

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС  
ТАЪЛИМИ ВАЗИРЛИГИ**

**МУҚИМИЙ НОМИДАГИ ҚЎҚОН ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА  
ИНСТИТУТИ**

**Ўзбек тили кафедраси**

**УСМОНОВА СОФИЯ АЛИМОВНА**

**ҚЎҚОН ШАҲРИ ТАРИХИЙ**

**МИКРОТОПОНИМИЯСИ**

Услубий қўлланма

**Қўқон – 2020**

***Ушбу қўлланма ОЎМТВ томонидан тасдиқланган “Ўзбек диалектологияси” намунавий ўқув дастурларига киритилган мавзуларни чуқурроқ ўрганиш мақсадида Қўқон ДПИ илмий кенгаши тавсияси асосида ишлаб чиқилди.***

***Ўзбек тили кафедраси ва институт илмий кенгаши розилиги билан чоп этишга рухсат этилди.***

Кафедранинг 2020 йил \_\_\_\_\_ даги \_\_\_\_\_ -сонли йиғилиши баённомаси.  
Услубий кенгашнинг 2020 йил \_\_\_\_\_ даги \_\_\_\_\_ -сонли йиғилиши баённомаси.

Қўлланма муаллифи : С.Усмонова, к.ўк.

Тақризчилар: О. Бозоров. ф.ф.н. доц.  
Ш. Акрамов. ф.ф.н. доц.

Мазкур рисола “Ўзбек диалектологияси” ва “Ҳозирги ўзбек адабий тили” фанларидан олинган назарий билимларни амалда қўллай олиш бўйича талабаларнинг БКМларини шакллантириш ва чуқурлаштиришга хизмат қилиши билан аҳамиятлидир.

Қўлланмада йўл қўйилган қамчилик ва нуқсонлар бўлса, бу ҳақдаги фикрларни мамнуният билан қабул қиламиз.

*Муаллиф.*

## Кириш

Ономастика – тилдаги атоқли номларни ўрганувчи тилшуносликнинг алоҳида бир соҳасидир. Туркий тиллар ономастикасини тадқиқ қилиш ишига ўтган асрнинг 50-йилларидан киришилди.

Топонимика жой номлари ҳақидаги фан бўлиб, у географик жой номларининг келиб чиқиши, мазмуни, ривожланиш қондаси ва тўғри ёзилишини ўрганади. Топонимика билан география, тарих, тилшунослик, этнография каби бир қатор фанлар шуғулланади. Жой номлари тарихан келиб чиққан ва ривожланган. Уларнинг шаклланиши мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий тараққиёти билан чамбарчас боғлиқ, бўлган, шунинг учун кўп номларнинг ўзаги узок, ўтмишга бориб тақалади.

Ўзбекистоннинг бир қатор вилоят ва туманлари топонимиясини тил, тарих, этнографик нуқтаи назаридан таҳлил қилишга оид бир қанча номзодлик ва докторлик диссертациялари ёзилди, топонимларнинг изоҳли луғатлари тузилди. Ҳ.Дониёров, С.Қораев, З.Дўсимов, Т.Нафасов, Э.Бегматов, Н.Охунов, Т.Эназаров, С.Найимов, Т.Раҳматов ва бошқа кўплаб олимларнинг ҳаракати билан ўзбек топонимикаси тилшуносликнинг алоҳида бир соҳаси сифатида шаклланди ва ривож топди.

Вазирлар Маҳкамасининг 1996 йил 31 майда қабул қилган «Ўзбекистон Республикасидаги маъмурий-худудий бирликлар, аҳоли пунктлари, ташкилотлар ва бошқа топонимик объектларнинг номларини тартибга солиш тўғрисида» ги 203-сонли қарори<sup>1</sup>, 1996 йил 30 августда қабул қилинган<sup>2</sup> «Ўзбекистон Республикасида маъмурий-худудий тузилиш, топонимик объектларга ном бериш ва уларнинг номларини ўзгартириш масалаларини ҳал этиш тартиби тўғрисида»ги Қонуни ҳамда 2004 йил 11 августда қабул қилган «Ўзбекистон Республикасидаги маъмурий-худудий бирликлар, аҳоли пунктлари, ташкилотларга ва бошқа топонимик объектларига ном бериш

---

<sup>1</sup> Халқ сўзи. – Тошкент, 1996 йил, 1 июнь. – Б. 1.

<sup>2</sup> Халқ сўзи. – Тошкент, 1996 йил, 7 сентябрь. – Б. 1.

ишларини тартибга солиш тўғрисида» ги 383-сонли қарорлари<sup>1</sup> миллий бой, айна пайтда «кўз илғамас» қисмига эътиборни жалб қилувчи муҳим ҳужжатлар бўлиб хизмат қилди. Тарихчи-ю тилшунослар, географлар ва бу ишга бош-қош бўладиган маҳаллий раҳбарларнинг жой номлари орқали намоён бўладиган ўзликчимизга, ўтмиш тарихимизга янада жиддий муносабатда бўлмоғи лозимлиги ушбу қарорларда ўз аксини топди. Шу билан бирга, ушбу қарорлар жой номларини тартибга солиш ва умумхалқ ишига айлантириш йўлидаги дадил қадамлардан бири бўлди.

### **Қўқон шаҳри тарихий микротопонимиясининг таркиби**

Биз ўрганаётган Қўқон шаҳри тарихий микротопонимияси тизими ҳам ижтимоий воқеалар гирдобиди, тилларнинг аралашishi натижасида шаклланган. Шу билан бирга, “Қўқон водийнинг ғарбий қисмида жойлашган бўлиб, савдо қарвонларининг йўли қадим замонда воҳа орқали ўтган” лиги ҳам унинг топонимияси таркибига катта таъсир этганлиги шубҳасиздир.

Қўқон шаҳри тарихий микротопонимларининг таркиби хилма-хилдир. Улар ном аниқланган объектга кўра қуйидаги гуруҳларга тасниф қилинади:

1. Ойконимлар. Ойконимларга аҳоли яшаш масканлари номлари киради. Булар ўз навбатида тубандаги турларга ажралади:

1) даҳа номлари: Саримозор даҳаси, Хужанд даҳаси, Марғилон даҳаси, Қатағон даҳаси:

2) маҳаллалар номи: Бахмалбоф, Дегрезлик, Давронбек, Эгарчилик, Тароқчилик, Боғбонон, Сарбонон, Баковул, Говжаллоб;

3) гузарлар номи: Тошкентлигузар, Қаймоқлигузар, Новвойликузар, Исфарагузар;

4) кўчалар номи; Ўртақўча, Раисқўча, Пастқўча ва бошқалар.

Ўрганилаётган ҳудуддаги ойконимлар қуйидаги номлар билан аталган:

1) этнонимлар билан: Қипчоқарик, Қашқарён, Бешқовок, Қирқлар,

---

<sup>1</sup> Халқ сўзи. – Тошкент, 2004 йил, 14 август. – Б. 1.

Юзлар, Қорақўрпа, Урганжи, Ғозиёғлик; 2) шахс исмлари билан: Идрисқулибек, Ислон Мирзо, Миртохир, Ибн Ямин, Хайдарбек, Бобобек, Бойбўта, Файзихўжа, Рустамбек; 3) шахс исмлари ва мансаб номлари билан: Саййид қушбеги, Норқўзи додхо, Маткарим қоровулбеги, Машариф оталиқ, Азимбой қушбеги, Каримқули зинбардор; 4) мансаб номлари билан: Баковул, Оталиқ, Қози қузот, Қозикалон; 5) касб-хунар номлари билан: Пўстиндўз, Хосабоф, Пиллакаш, Читгарон, Солкашон, Панжарасоз, Пахтакаш, Белбоғчи ва бошқалар.

2. Гидронимлар. Булар сой, ариқ, кўл, булоқ, номларини ўзида мужассамлаштиради: Улкансой, Кичиксой, Ғалчасой, Оқсув, Қорасув, Қўшарик, Аччиқкўл, Зарбулоқ, Оқбулоқ, Тўққизбулоқ, Ойдинкўл сингарилар.

3. Кўприклар номи: Бойтакўприк, Ғишткўприк, Нойиб кўприги, Чархиннинг кўприги ва бошқалар.

4. Мадрасалар, масжидлар, хонақоҳлар номлари: Норбўтабий мадрасаси, Мадрасаи Ҳоким ойим, Мадрасаи Тунқатор, Мадрасаи Хаққул мингбоши, Мадрасаи Чалпак, Мадрасаи Минг ойим, Дастурхончи мадрасаси, Мадрасаи Камол қози, Бузрукхужа мадрасаси, Мадалихон мадрасаси, Мадрасаи Хожа додхоҳ, Мадрасаи Моҳларойим, Мадрасаи Охунд девон, Мадрасаи Аминхон, Мадрасаи Офтоб ойим, Мадрасаи Миён Ҳазрат, Мадрасаи Ҳакимтура, Мадрасаи Султон Муродбек, Масжиди Жомеъ, Ғиштликмачит, Тепа Хонақо қабилар. Мадрасалар, асосан, уни курдирган, қурилишига маблағ сарфлаган шахслар номлари билан аталган. Айрим мадрасалар икки ном билан юритилган: Норбўтабий мадрасаси - Мадрасаи Мир; Мадалихон мадрасаси- Мадрасаи Хон сингарилар.

5. Мозорлар, қабристонлар, даҳмалар номлари: Саримозор, Катта қабристон, Ғариб гўристон, Шохликмозор, Кўктўнлик ота, Шайхон қабристони, Даҳмаи Шохон, Даҳмаи Модарихон қабилар.

6. Дарвозалар номлари.

Ўтмишда Қўқон шаҳрига кириш учун 12 дарвоза бўлган. Булар:

Ғозиёғлик дарвозаси, Қатағон дарвозаси, Мўймуборак дарвозаси, Хўжанд дарвозаси, Исфара дарвозаси, Марғилон дарвозаси, Наманган дарвозаси, Тоғлик дарвозаси, Риштон дарвозаси, Саримозор дарвозаси, Қудуқлик дарвозаси, Чуст дарвозаси номлари билан аталган. Дарвоза номлари ўзгариб турган. Айрим дарвозалар икки ва хатто уч ном билан ҳам юритилган. Масалан, Наманган дарвозаси - Навбахор дарвозаси: Исфара дарвозаси - Авғонбоғ дарвозаси; Риштон дарвозаси - Чимён дарвозаси, Тоғлик дарвозаси - Тўқайтепа дарвозаси; Марғилон дарвозаси - Олтиариқ дарвозаси - Ёйилма дарвозаси; Чуст дарвозаси - Ганжиравон дарвозаси - Урганжи дарвозаси каби.

Дарвозалар дарвозадан бошланадиган йўл қаерга олиб борса, ўша манзил номи билан аталган. Чуст дарвозаси, Исфара дарвозаси, Хўжанд дарвозаси, Риштон дарвозаси номлари шу йусинда вужудга келган. Баъзи дарвозалар дарвоза ўрнашган жойнинг (маҳалла ёки қишлоқнинг) номига нисбат берилгани ҳолда номланган: Мўймуборак дарвозаси, Тоғлик дарвозаси, Қатағон дарвозаси, Қудуқлик дарвозаси, Ғозиёғлик дарвозаси каби.

7. Бозорлар номи: Ёғбозори, Ходебозори, Кўмир бозори, Тузбозор, Отбозор, Жўхори каффон, Молбозор, Дуппикатор бозори, Тўнқатор бозори.

Бозорлар маълум бир маҳсулотни сотишга ихтисослаштирилган бўлиб, улар шу маҳсулотнинг, товарнинг номи билан юритилган. Қайд этилган бозорлар номлари бунга яққол мисолдир.

8. Боғлар номи: Тераклибоғ, Жийдалибоғ, Боғи Раҳмат, Боғибаланд, Боғи Беҳишт, Боғинав, Боғимайдон, Боғибўстон, Дилкушо, Чорчаман, Жанжалбоғ, Қоронғибоғ, Миргулшанбой боғи, Урганжибоғ, Авғонбоғ кабилар. Бу боғларнинг айримлари вақтлар ўтиши билан маҳалла номларини ҳам ифода эта бошлаган.

9. Саройлар, ўрдалар, кўшқлар номлари: Зарринсарой, Жаҳоноро, Эски Ўрда, Худоёрхон Ўрдаси, Кўшки анвор сингарилар.

Шундай қилиб, Қўқон шаҳри тарихий микропонимлари қандай

объектнинг ифодалашига кўра бир неча турларга бўлиб ўрганилади. Уларнинг англатган маъноси, номланиш хусусиятлари, ясалиши, тузилиши ўзига хос белгиларга эгадир.

Тадқиқот жараёнида шунга амин бўлдики, ҳудудий жиҳатдан кичик бўлган Қўқон шаҳрининг микротопонимлари ҳам изланувчидан ангчагина меҳнат талаб этиши муқаррардир. Зеро, В.А. Никонов таъбирича: “Ишни алоҳида бир вилоят ёки туман топонимиясининг ўрганишдан бошлаш осон деб ўйлаш нотўғридир. Мана шу хом хаёл кўпгина номшуносларни ишдан чиқарди, чунки, у материални эркин танлашга қўймайди, барча муаллифларни ҳамма фактларни тўлиқ тўплашга мажбур қилади”.

### **Қўқон шаҳри тарихий микротопонимларининг лексик-семантик хусусиятлари**

Қўқон - Марказий Осиёдаги аҳолиси зич жойлашган қадимий ва кўхна шаҳарлардан биридир. 1867 йилги маълумотга қараганда, шаҳар 12 даҳага бўлиниб, улар таркибига 540 та маҳалла кирган<sup>1</sup>. Маҳаллалар ҳар хил номлар билан аталган. Вақтлар ўтиши билан номларнинг баъзилари истеъмолдан чиқиб кетган, айримлари ҳозирги кунгача етиб келган. Биз унутилиб кетган, лекин шаҳар тарихига оид ёзма манбаларда, архив ҳужжатларида, халқ хотирасида сақланиб қолган мана шундай тарихий микротопонимларни тўплашга, тартибга солишга ва бу борада тадқиқот ишлари олиб боришга жазм қилдик. Таъкидлаш жоизки, Қўқон шаҳри тарихий микротопонимларининг номланиши, аталиши ўзига хосдир. Уларни лексик-семантик жиҳатдан қуйидаги гуруҳларга: 1) этнотопонимлар; 2) антропотопонимлар; 3) касб-ҳунар билан боғлиқ топонимлар; 4) жойнинг табиий-географик шароитини акс эттирувчи топонимларга бўлиб ўрганиш мумкин.

1. Шаҳар тарихий микротопонимияси тизимида аҳолининг миллий таркибини акс эттирувчи уруғ, қабила, қавм, халқ, тоифа номлари билан

---

<sup>1</sup> Бобобеков Х. Қўқон тарихи. Тошкент, 1996. 207-бет.

аталган этнотопонимлар алоҳида ўринни эгаллайди. Ўтмишда шаҳарда турли этник гуруҳларга мансуб кишиларнинг ҳаёт кечирганлиги шундай топонимларнинг юзага келишига сабаб бўлган. Кўплаб маҳалла, гузар, кўчалар этнонимлар билан аталиб кетган. Қипчоқариқ, Қўтирқипчоқ, Қирқлар, Юзлар, Қатағон, Тома, Урганжи, Ғозиёғлиқ, Тоғлиқ, Ғалчасой, Бешқовоқ, Қорақўрпа, Қашқарён, Учуйли, Авғонбоғ, Лўлиён, Жухутмаҳалла сингарилар шулар жумласидандир. Булардан Қипчоқариқ ва Қўтирқипчоқ топонимлари ўзбек халқининг энг катта ва нуфузли қабилаларидан бири бўлмиш Қипчоқ этноними асосида номланган. XIX аср охирларида Фарғона водийсидаги қипчоқлар 70 мингга яқин кишини ташкил этганлар. 1917 йилда олинган аҳоли рўйхатига кўра водийдаги 84 та аҳоли яшаш масканларида қипчоқлар истиқомат қилганлар<sup>2</sup>. Табиийки, қипчоқларнинг маълум бир гуруҳи Қўқон шаҳрида ҳам яшаганлар. Шу боис улар турғун бўлиб, ўрнашиб қолган маҳаллалар қабилалари номлари асосида юқоридаги каби номланиб қолган.

Шаҳарда 2 та маҳалла Қирқлар деб юритилган. Уларнинг шу тарзда аталишига 92 бовли ўзбек уруғ ва қабилалари таркибига кирган қирқ этноними асос бўлиб хизмат қилган. Профессор Х. Дониёровнинг қайд этишича, ўзбек уруғлари ичида қирқ минг ва юздан кейинги учинчи катта сон бўлиб ҳисобланган. Қирқлар, асосан, Самарқанд вилоятининг Булунғур, Жиззах вилоятининг Ғаллаорол, Жиззах, Зомин туманларида, қисман Бекобод ва Ўратепа томонларда яшаганлар ҳамда қорақўйли, қорача, молтоп, мулкуш, чапрашли каби узвларга бўлинганлар<sup>3</sup>. Қирқ уруғига мансуб кишилар Қўқон ва унинг атрофида ҳам ҳаёт кечирганлар. Мана шу сабаб уруғ номи икки маҳаллага атама бўлиб кўчган, этноним топоним сифатида қўллана бошланган. Шаҳар ҳудудига туташ Данғара туманидаги Қирқлар, Учкўприк туманидаги Қирқ қишлоқларининг аталиши ҳам шу этнонимга алоқадордир.

---

<sup>2</sup> Шаниязов К.Ш. К этнической истории узбекского народа. Ташкент, 1974. Стр. 109-110.

<sup>3</sup> Дониёров Х. Ўзбек халқининг шажара ва шевалари. Тошкент, 1968. 86-бет.



Тома - қадимий уруғлардан бири. Муҳаммад Солиҳнинг «Шайбонийнома» асарида бу этноним қайд этиб ўтилган. Профессор А. Хайитметовнинг таъкидлашича, томалар XVI асрда шайбонийларни қўллаб-қувватлаган шимолий ўзбек уруғларидан бўлиб, жанговарлиги билан тарихда ном қозонган<sup>4</sup>. Бинобарин томалар Дашти Қипчоқ ўзбекларининг таркибига кирган ва XV-XVI асрларда улар билан биргаликда Маворауннаҳр ерларига келиб жойлашган. Тома уруғи вакиллари Қўқон шаҳри ва унинг атрофларига ҳам ўрнашиб қолган. Шаҳардаги маҳаллалардан бирининг Тома деб номланганлиги бунинг далилидир. Данғара туманидаги қишлоқлардан бири ҳам Тома номи билан юритилади.

Жалойир - бир неча туркий халқлар, жумладан, ўзбек, қозоқ, қорақалпоқ халқларининг таркибига кирган йирик қабилалардан бирининг номидир. Манбаларда кўрсатилишича, ўзбеклар таркибига кирган жалойирлар ўтмишда Тошкент ва Бухоро воҳаларида, Нурота тоғ этакларида, Жиззах, Каттақўрғон томонларда, Қашқадарё, Сурхондарё ва Фарғона водийсида яшаганлар. 1920 ва 1926 йиллардаги аҳоли рўйхатида Ўзбекистонда яшовчи жалойирларнинг сони 25 минг кишига яқин эканлиги аниқланган. Қўқон шаҳри топонимлари таркибида жалойир этноними билан боғлиқ маҳалла ва қишлоқ номлари учрайди.

Ўрганилаётган ҳудуддаги Урганжи ва Урганжибоғ маҳаллаларининг номи урганжи этноними замирида юзага келган. Этноним Урганч шаҳри номига тожикча -и қўшимчасини қўшиш орқали ясалган, маъноси «урганчлик» демакдир<sup>5</sup>. Манбаларда ёзилишича, урганжилар XVIII аср охирида Урганч шаҳридан чиқиб, Бухорога ва бошқа ерларга ўрнашган ўзбеклардир<sup>6</sup>. Дарҳақиқат, Фарғона водийси, жумладан Қўқон ҳудудидаги урганжилар шу даврларда бу ерларга келиб жойлашган бўлишлари мумкин. Урганжи этнотопоними фақат шаҳар ҳудудида эмас, атроф туманларда ҳам учрайди. Хусусан, Данғара, Учкўприк, Бувайда

<sup>4</sup> Хайитметов А. Мерос ва ихлос. Тошкент, 1985. 138-139 бетлар.

<sup>5</sup> Охунов Н. Жой номлари таъбири. Тошкент, 1994. 54-бет.

<sup>6</sup> Қораев С. Географик номлар маъносини биласизми? Тошкент, 1970, 126-бет

туманларида Урганжи номини олган қишлоқлар мавжуд.

Тарихий хужжатларда шаҳар микротопонимиясида Қашқарён маҳалласи бўлганлиги зикр этилган. Қашқарён – “қашқарлар” маъносидадир. Бу топоним Қашқар вилоятидан кўчиб келган кишиларга нисбатан қўйилган номдир. Улар маълум шароит тақозоси билан XIX асрнинг 20 - йиллари охирида Фарғона водийсига келган. Шаҳардаги Тоғлиқ маҳалласининг номланиши ҳам қашқарликларга бевосита алоқадор. Қозоқ тарихчиси Ч. Валихоновнинг ёзишича, Қашқардан кўчиб келган кишиларнинг айрим гуруҳлари тоғлиқ номи билан юритилган<sup>7</sup>. Мирзаолим Мушрифнинг “Ансоб ус- салотин ва таворих ул- хавоқин” асарида тоғлиқ уруғига мансуб кишилардан Юнус тоғлиқ, Муҳаммадюсуф тоғлиқ, Муҳаммадкарим тоғлиқ, Бойбўтабек тоғлиқларнинг номлари тилга олиб ўтилган. Қисқаси, Тоғлиқ этнотопонимдир. Учкўприк, Дангара, Бувайда туманларида ҳам шу ном билан аталган қишлоқлар учрайди.

Булардан ташқари шаҳар тарихий микротопонимиясида турли тоифа, табақа, гуруҳ, номлари билан ифодаланган Боён, Маддоҳон, Шайхон, Беквачча, Хўжамаҳалла, Дарвишобод, Эшонмаҳалла топонимларини ҳам этнотопонимлар сирасига киритиш мумкин. Қайд этилганлардан Боён- “бойлар”, Маддоҳон- “маддоҳлар”, Шайхон- “шайхлар”, Беквачча- “беклар авлоди, беклар тўпи” маъносини билдиради.

Ўрганилаётган ҳудуддаги микротопонимларнинг катта бир қисми шахс исмлари - антропотопонимлар асосида юзага келган. Кўплаб маҳалла, гузар ва кўчалар ўз даврида ўша ерга асос солган, уни барпо этган, унга эгалик қилган ёки ободончилиги учун маблағ сарфлаган, бошчилик қилган, обрўли, мўътабар кишилар номи билан аталган. Шаҳардаги Халифа Сафо, Китобдор Мирзо, Давронбек, Мулла Бошмон, Хожибек, Валихон тўра, Бекбўтабек, Уста Бозор, Бобобек, Миртоҳир, Мирзо Ёдгор, Ашур Мирзо, Рискулибек, Шерали мингбоши, Муҳаммад Раззоқ девонбеги деб юритилувчи жой номлари бунинг мисолидир.

---

<sup>7</sup> Валиханов Ч. Собрание сочинение в пяти томах. Алма-Ата, 1985. Т. 3/Стр. 179

Анропотопонимлар тадқиқида жойларга исмларини қолдирган кишиларнинг шахсларини аниқлаш алоҳида аҳамият касб этади. Биз тарихий ҳужжатлар, манбалар асосида топонимлар учун асос бўлган кишилар ва уларнинг фаолияти тўғрисида баъзи маълумотларни тўплашга муваффақ бўлдик. Жумладан, Халифа Сафо бухоролик машҳур шайх Халифа Ҳусайн Бухорийнинг шогирди бўлиб, ўз даврнинг йирик диний арбобларидан, номдор эшонлардан ҳисобланган. Қўқондаги Жомеъ мадрасасида муддарислик қилган. Хонликда шайхулислом лавозимини эгаллаган. Ўз маблаги ҳисобига мадраса қурдирган. Китобдор Мирзонинг асл исми Мирзо Айюб бўлиб, у Қўқон хони Муҳаммад Алихон даврида хон саройидаги кутубхонанинг мудири вазифасини адо этган. Унга китобдорлик унвони берилган. Шу боис Мирзо Айюб эл орасида Китобдор Мирзо номи билан шуҳрат қозонган, ижод билан ҳам шуғулланган, Беҳжат таҳаллусида шеър ва ғазаллар ёзган, девон тузган. Давронбек - Қўқон хони Худоёрхоннинг йирик лашкарбошиларида бири Бобобек тўқсабонинг уғлидир. Бу шахс хон лашкарида қози аскар лавозимида хизмат қилган. Рус босқини даврида Чимкент, Тошкент, Қўқон мудофаасида иштирок этган. Хонлик тугатилгандан кейин бир қанча муддат маҳалла амини вазифасида ишлаган. Мулла Бошмон шаҳарнинг билимдон кишиларидан саналган, ўзи истиқомат қилган маҳалла масжидида имомлик қилган. Қизи шоира Маҳзунанинг етук ва фозила инсон бўлиб етишишида унинг хизматлари жуда катта бўлган.

Анропотопонимлар қуйидаги йўллар билан юзага келган: 1) бевосита шахс исмининг ўзи билан ифодаланган: Ҳайдарбек, Мирзатўхта, Рустамбек, Хўжабек, Ғозибой, Бузрукхўжа, Рўзибой, Мансурхўжа, Ашурали; 2) шахс исми ва унга қўшиб қўлланган мансаб, амал номлари билан ифодаланган: Азимбой қушбеги, Сайид қушбеги, Хидирали додхо, Ҳамдам оталиқ, Машариф оталиқ, Ўтаб баковул, Каримқул зинбардор, Худойқул баҳодир, Маткарим қоровулбеги, Тошхудайчи; 3) шахс исми ва лақаби орқали ифодаланган: Уста Бозор, Охун девона, Парпи девона, Ҳайдарқул сўфи, Шариф карсон, Машариф пўстиндўз ва бошқалар.

Шаҳар микротопонимиясида касб-ҳунар билан боғлиқ топонимлар алоҳида қатламни ташкил этади. Ўтмишда Қўқонда ҳунармандчилик кенг миқёсда тараққий этган, ривожланган. 1897 йили олинган аҳоли руйхати ҳужжатларида баён қилинишича, шаҳарнинг 52 % аҳолиси ҳунармандлар ҳисобланган<sup>8</sup>. Улар мисгарлик, заргарлик, темирчилик, дегрезлик, кўнчилик, тўқимачилик каби касб-ҳунарлар билан шуғулланиб ҳаёт кечирганлар. Бу жараён топонимларда ўз аксини топган. Кўпгина маҳаллалар касб-корни ифодаловчи сўзлар билан юритилиб кетган. Жиякчилик, Тароқчилик, Поякилик, Эгарчилик, Нонвойлик, Бўрчилик, Белбоғчи, Панжарасоз, Пиллакаш, Буёқчилик, Пахтакаш, Дукчилик, Кўнчилик, Қоғозгар, Чиннисоз, Совутсозлик каби топонимлар бунга ёрқин мисолдир.

Бу хил топонимларни касб-ҳунар турига кўра қуйидаги гуруҳларга бўлиб ўрганиш мумкин: 1) металлсозлик касбига алоқадор номлар билан аталган топонимлар: Дегрезлик, Мисгарлик, Тақачилик, Рехтагарлик, Заргарлик, Кетмончилик кабилар; 2) тўқувчилик касбига боғлиқ ҳолда вужудга келган топонимлар: Бахмалбоф, Парпашабоф, Дасторбоф, Адрасбоф, Алачабоф, Хосабоф, Карбосбоф, Кўрпабоф, Читгарон сингарилар; 3) тикувчилик касбига алоқадор бўлган топонимлар: Пўстиндўз, Сўзанадўз, Дуппидўз, Шимчилик ва бошқалар.

Шаҳар аҳолисининг иқтисодий турмушида савдо-сотик алоҳида аҳамият касб этган. Савдо-сотик қилинадиган жойлар - бозор ва расталар кўпинча маълум бир маҳсулотни сотишга ихтисослаштирилган бўлиб, улар шу маҳсулотнинг, товарнинг номи билан аталган. Булар кейинчалик бора-бора маҳалла номини ҳам ифода қила бошлаган. Шаҳардаги Ёғбозори, Ходебозори, Жухорикаффон топонимларини шундай атамалар жумласига киритиш мумкин.

Қўқон шаҳри тарихий микротопонимларининг бир қисми ўзларида жойнинг табиий-географик шароитини акс эттирган. Улар қуйидагиларга кўра номланган: 1) ўсимликлар дунёсига алоқадор ҳолда номланган: Жийдалибоғ,

---

<sup>8</sup> Жабборов И. Ўзбек халқи этнографияси. Тошкент, 1994. 114-бет.

Тераклибоғ, Узумзор, Чорчинор, Ўрикзор, Мажнунтол, Толзор, Олмазор, Токзор, Олчазор; 2) ер юзасининг рельеф шакллари, тупроқ таркибига кўра ном олган: Арзиктепа, Кўкгумбаз, Азизтепа, Тепақўрғон, Чуқурмахалла, Тошлоқ; 3) объектнинг жойлашган ўрнига кўра аталган: Булоқбоши, Туғонбоши, Кўшарикбўйи, Дарвозаоғзи, Ўрдатаги, Тегирмонбоши, Ўртақўча ва бошқалар.

### Антропоойконимлар

Ономастик бирлик саналувчи атоқли отларнинг тиллари ҳар хил. Шулардан бири антропонимлардир. Киши исмлари, лақаблари, тахаллусларни тадқиқ этувчи антропонимика номшуносликнинг махсус тармоғи ҳисобланади<sup>9</sup>.

Туркий тиллар ономастикаси, хусусан унинг антропонимикасини тадқиқ қилиш ишига ўтган асрнинг 50-йилларидан киришилди. Кейинги ўн йилликларда бу борада жиддий ютуқлар қўлга киритилди. Т.Жонузоқов<sup>10</sup>, З.А.Садыхов<sup>11</sup>, А.Пашаев<sup>12</sup>, Ш.Жапаров<sup>13</sup>, Ю.Ходжалепесовалар<sup>14</sup> қозоқ, озорбайжон, қирғиз, қорақалпоқ антропонимларини ўрганиб, номзодлик ва докторлик диссертацияларини ҳимоя қилдилар. Шунингдек, туркий тиллар ономастикаси, унинг тармоғи бўлмиш антропонимиясини ўрганишга бағишланган бир қанча монография ва қўлланмалар нашр этилди<sup>15</sup>.

Қўқон шаҳри тарихий микропонимияси тизимида антропоойконимлар алоҳида ўринни эгаллайди. Бундай жой номларининг катта бир қисми Қўқон хонлиги даврида вужудга келган ва уларнинг баъзилари ҳозиргача сақланиб қолган<sup>16</sup>. Давронбек, Рисқулибек, Хожибек, Бойтакўприк, Уста Бозор,

<sup>9</sup> Ҳасанова Д. “Ўзбек тилида антропонимларнинг лексик – семантик хусусиятлари ва ясалиши” мавзусидаги магистрлик диссертацияси. Қўқон. 2005. 7-бет

<sup>10</sup> Жанузаков Т. Лично-собственные имена в казахском языке. АҚД. Алма-Ата, 1960.

<sup>11</sup> Садыхов З.А. Личные имена в азербайджанском языке. АҚД. Баку, 1975.

<sup>12</sup> Пашаев А. Прозвища в азербайджанском языке. АҚД, Баку, 1987.

<sup>13</sup> Жапаров Ш. Киргизская антропонимия. АДД. Алма-Ата, 1989.

<sup>14</sup> Ходжалепесова Ю.Н. Прозвища в системе каракалпакской антропонимии. Ташкент, 1995.

<sup>15</sup> Жанузаков Телкожа. Қазақ есімдеринин тарихи. Алматы, 1961.

<sup>16</sup> Охунов Н. Фарғона водийси антропоойконимлари // Ўзбек тили ва адабиёти, 1997,2-сон, 26-бет.

Бекбўтабек, Бобобек, Тўхлимерган деб аталувчи маҳалла, гузар, кўча номларини бунга мисол қилиб кўрсатиш мумкин.

Таъкидлаш лозимки, антропоойконимлар тадқиқида жойларга номларини қолдирган кишиларнинг шахсларини аниқлаш алоҳида аҳамият касб этади<sup>17</sup>. Дарҳақиқат, ўрганилаётган ҳудуд антропоойконимлари таркибига назар ташласак, уларнинг аксарияти Қўқон хонлиги даврида муҳим мавқега эга бўлган амалдорлар, давлат хизматчилари номлари билан аталганлигининг гувоҳи буламиз. Ҳамдам оталиқ, Шерали мингбоши, Ашурмирзо, Муҳаммад

Раззоқ девонбеги, Ислом мирзо, Хожадодхоҳ, Оллоқули миршикор, Жаҳонгирмирзо кабилар шулар жумласидандир.

Мазкур топонимларнинг юзага келишида Қўқон хони Муҳаммад Алихонга мураббийлик қилган Ҳамдам оталиқ, Худоёрхон даврида отлиқ аскарларнинг қўмондони лавозимида ишлаган Шерали мингбоши, шаҳримиздаги машҳур Гишткўприкни ўз маблағидан қурдирган Хожа додхоҳ Султон Саййидхон даврида мирзабоши сифатида фаолият кўрсатган Ашур Мирзо Шаҳидбек ўғли, Шералихон ҳукмдорлиги пайтида давлат девонини бошқарган Муҳаммад Раззоқ девонбеги кабиларнинг номлари асос бўлиб хизмат қилган<sup>18</sup>.

Хон саройида мартабали лавозимларни эгаллаган шахслар исмлари билан юритилган антропоойконимларга яна Азимбой қушбеги, Сайд

қушбеги, Ўтамбой қушбеги, Машариф оталиқ, Хўжамберди оталиқ, Норқўзи додхоҳ, Хидирали додхоҳ, Алимқул додхоҳ, Каримқул зинбардор, Тош ҳудайчи, Ўтаб баковул, Худойқул баҳодир, Худойназар амин, Маткарим қоровулбеги, Отабек ноиб деб аталувчи маҳалла, кўча номлари мисол бўла олади.

Қўқон шаҳри тарихий антропоойконимларининг бир гуруҳи дин арбоблари, тариқат илмининг билимдонлари номлари билан аталган. Халифа Сафо, Валихон тўра, Банди Эшон, Мулла Бошмон, Хўжа Подшо тўра, Катта Эшонхон тўра, Хўжақалон тўра, Мулла Худоёр, Мулла Мирзоҳид, Мулла Ашуроҳун, Мулла

---

<sup>17</sup> Охунов Н. Кўрсатилган мақола, ўша бет.

<sup>18</sup> Дадабоев Я. Хўқанди латиф маҳалла ва кўчаларининг номланиш тарихи. "Фарғона" нашриёти, 2007, 8, 35, 59, 65, 73-бетлар.

Исомиддин, Мулла Машариф, Мулла Жамолиддин, Мулла Бектўра, Хайдаркул сўфи, Чек Мулла Мадрахим кабилар бунинг ёрқин далилидир. Ушбу микроойконимлардан Халифа Сафо маҳалласи бухоролик машхур шайх Халифа Хусайн Бухорийнинг шогирди, ўз даврининг йирик диний арбобларидан, номдор эшонларидан ҳисобланган Хўжа Халифа Сафо номи билан юритилган. Халифа Сафонинг аҳолининг турли қатламларидан кўп сонли муридлари бўлган. Эзгу ишлари, халқпарварлиги билан дорулсалтанатда катта обрӯ-эътибор қозонган. Йирик амалдорлар, ҳатто бош вазир ҳам бу мўътабар зотнинг ҳурматини жойига қўйганлар, ҳовлисига тез-тез ташриф буюриб, у кишидан маслаҳат олиб турганлар.

Шаҳардаги Валихон тўра маҳалласининг шундай деб аталиши Валихон тўра Хожакалон номлари билан бевосита боғлиқдир. Валихон тўра тасаввуф

илмининг билимдонларидан бўлганлар. Худоёрхон бу зоти киромни ўзларига пир деб билганлар, ҳокимиятни бошқаришда, шахсий ва оилавий ишларда у кишининг маслаҳатларига, йўл-йўриқларига таянганлар. Бу олийжаноб инсон истиқомат қилган маҳалла кейинчалик шу шахснинг муборак номлари билан юритилиб кетган.

Банди Эшон кўчаси Абдуллахон эшон бинни Убайдуллахон эшоннинг номларига алоқадордир. Бу зот нафаси ўткир, илми ғайбдан хабардор бўлганлар. Бошига оғир иш тушганлар, иши юришмаганлар, йўли банд бўлиб қолганлар бу эшондан мадад излаб келганлар. Эшон одамлар йўлидаги бандни олиб ташлаганлар, яъни бандни кушод этганлар. Шу боис халқ у кишини Банди кушод эшон деб атаганлар. Бу ном вақтлар ўтиши билан талаффузда қисқаришга учраб Банди Эшон шаклига келиб қолган<sup>19</sup>.

Қўқон шаҳри тарихий микротопонимияси таркибида ўтмишда ўтган машхур меъморлар, муҳандислар, тарихчилар, ҳаттотлар номлари асосида вужудга келган антропоойконимлар ҳам учрайди. Уста Бозор, Мирзо Ёдгор, Уста Камол, Ҳакимхон тўра, Мирзо Хайрулло сингарилар бунга ёрқин мисолдир. Номларини жойларга қолдирган бу тарихий шахслар ҳақида шуни айтиш мумкинки, Уста Бозор Туркистоннинг энг кўзга кўринган меъмор-

---

<sup>19</sup> Дадабоев Я. Кўрсатилган асар, 10-бет.

муҳандисларидан бири бўлган. Водийдаги кўпгина иншоотларни куришда иштирок этган. Амир Умархон ўрдасини мустақил ўзи курган. Меъмор Мирзо Ёдгор шаҳримиздаги “Мир” мадрасасини курилишида қатнашган. Мингойим, Муҳаммад Алихон, Муҳаммад Аминхон мадрасаларининг бунёд этилишида фаолият кўрсатган. Уста Камол иморатларга нақш солиш иши билан шуғулланган. Худоёрхон ўрдасидаги наққошлик ишларига раҳбарлик қилган. Ҳақимхон тўра Исҳоқхон тўра ўғли тарихчи олим, жаҳон кезган сайёҳ бўлган. Муаррих Қўқон хонлиги тарихига бағишлаб “Мунтахабут-таворих” (“Танланган тарихлар”) китобини ёзган. Мирзо Хайрулло Қўқоннинг машҳур хаттотларидан ҳисобланган. Кўплаб асарлар унинг қалами билан кўчирилган<sup>20</sup>.

### **Мансаб номлари билан алоқадор ойконимлар**

Бир ярим асрдан зиёд ҳукм сурган Қўқон хонлиги (1709-1876 йиллар) мустақил давлат сифатида Туркистоннинг ижтимоий-сиёсий, иқтисодий-маданий ҳаётида муҳим ўрин тутган, алоҳида нуфузга эга бўлган. Хонликнинг бошқарув тизимида бир қанча амал ва мансаблар, вазифа ва мартабалар мавжуд бўлиб, уларнинг ҳар бири махсус номлар билан аталган. Тарихчи олим Шодмон Воҳидовнинг тарихий манбаларга суяниб ёзишича, Қўқон хонлигидаги унвон ва мансаблар ижрочиларнинг вазифалари ҳамда мартабаларига қараб: 1) ҳарбий ва ҳарбий-маъмурий унвон ва мансаблар;

2) сарой унвон ва мансаблари; 3) диний мансаб ва унвонлар; 4) қозихона ва маҳкамалардаги унвон ва амалларга тақсим қилинган.

Ҳарбий, ҳарбий-маъмурий унвон ва мансаблар таркибида мингбоши, кушбеги, ботирбоши, ноиб, калъабон, қурбоши, ёвар, тўпчибоши, тўқсоба, понсадбоши, юзбоши, панжахбоши, даҳбоши, коровулбеги, мерган, тўпчи, жазоилчи, туғчи сингари амаллар бўлган. Саройдаги олий даражали мансабларга оталик, бекларбеги, бий, девонбеги, хазиначи, иноқ, эшикоғаси, парвоначи,

---

<sup>20</sup> Дадабоев Я. Кўрсатилган асар, 20,35,36,143, 182-бетлар.



додхох, дастурхончи, саркор, шарбатдор, тунқатор; ўрта даражали амалларга китобдор, рисолачи, баковул, мирзабоши, сармунший, мирохур, шиғовул кабилар кирган. Шайхулисом, хожа калон, халифа, аълам, охунд, судур, нақиб, мударрис, имом, имом-хатиб, муаззин - диний мансаб ва унвонларни; қози, қози калон, қозиюл-қуззот, қози аскар, қози раис, қозийи мутлақ, муфти, муфтийи аскар сингарилар қозихона ва маҳкамалардаги унвон ва амалларни билдирган.

Ҳозирги пайтда юқорида қайд этилган атамаларнинг кўпчилиги истеъмолдан чиқиб кетган, қўлланишдан қолган, тарихий сўзларга айланган. Лекин XIX асрда ёзилган тарихий асарларда, турли расмий ҳужжатларда ҳамда ўтмиш воқеаларини акс эттирувчи бадий асарларда уларни учратиш мумкин. Чунончи, тарихчи олим ва шоир Мирзолим Мушрифнинг XIX асрда Қўқон хонлигида рўй берган ижтимоий-сиёсий воқеаларнинг баёнига бағишланган “Ансоб ус-салотин ва таворих ул-хавоқин” (“Султонлар насаблари ва ҳоконлар тарихлари”) асарида хонлик даврида кенг истеъмолда бўлган мингбоши, қушбеги, шайхулисом, додхох, оталиқ, бекларбеги, ноиб, иноқ, тўксоба, меҳтар, шиғовул, эшикоғаси, парвоначи, худайчи, рисолачи, тунқатор, понсод, понсодбоши, баҳодирбоши, ясовулбоши, баковулбоши, қурбоши, юзбоши, мирзабоши, жарчибоши, офтобачи, хазиначи, дастурхончи, саркор, раис, амин, шарбатдор, бухчадор каби катор мансаб номлари ишлатилган. Абдулла Қодирийнинг мозийдан ҳикоя килувчи “Меҳробдан чаён”, “Ўткан кунлар” тарихий романларида ҳам бундай атамалар анчагина учрайди. Кези келганда шуни таъкидлаб ўтиш жоизки, Қўқон хонлиги тарихига оид мансаб, амал, унвон номларининг бир қанчаси бугунги кунда жой номлари - топонимлар шаклида сақланиб қолган. Шаҳардаги Раискўча деб аталган турар жой шу ҳудуддаги эски маҳаллалардан биридир. Ойконимга хонликдаги мансаблар сирасига кирувчи раис атамаси асос бўлган. Раиснинг асосий вазифаси ижтимоий адолат барқарорлигини таъминлашдан иборат бўлган. Раис аҳолининг ахлоқини, шариат қонун-қоидаларига қандай риоя қилаётганлигини кузатиб борган ва бозордаги савдо-сотик, тарози ишларини назорат қилган. Манбалардан аниқланишича, Раискўча Қўқон хони Умархон даврида шаҳарнинг

раиси вазифасида хизмат қилган Абдулазизхон тўра номи билан боғлиқдир.

Ноиб - арабча сўз бўлиб, маъноси «ўринбосар» демакдир. Хонликдаги юқори мансаб номларидан бири шу сўз билан юритилган. Тилшунос олим, профессор Акбар Мадғозиевнинг ёзишича, хон ва амирлар маъмурий ишларни амалга оширишда кўпинча ноиблардан фойдаланган. Улар сарой ишларидан ташқари турли вилоятларда подшоҳ номидан иш юритганлар. Манбаларда Отабек ноиб, Баҳром ноиб, Хўжам подшоҳ тўра ноиб сингари ноибларнинг номлари сақланиб қолган. Қўқон шаҳридаги Ноибнинг кўприги топоними мазкур иншоот хонликда ноиблик лавозимида бўлган шахс томонидан бунёд этилганлигига ишора этади.

Сарботир деб юритилувчи гузар номи манбаларда Сарбаҳодир тарзида тилга олинган. Сарбаҳодир - айнан “ботирбоши” маъносини англатади. Ботир (баҳодир) атамаси хонлик архив ҳужжатларида таъкидланишича, ҳарбий лавозимни билдирган, бу унвон паҳлавон, кўркмас, ҳар қандай услубда жанг қила оладиган лашкарбошиларга берилган. Мунтазам кўшин ичида алоҳида баҳодирлар дастаси бўлган. Баҳодирларга муайян миқдорда маош бериб турилган, улар бир қанча солиқлардан озод этилган. Манбаларда кўрсатилишича, хонлик лашкарлари орасида Абдурахмонбек баҳодир, Қобил ботир, Маҳмуд баҳодир, Мирза баҳодир, Мулла Муҳаммадали баҳодирбоши, Мулла Турдиали баҳодирбоши, Кийикбой ботирбоши, Давронбек баҳодирбоши, Муҳаммадназар ботир, Уммат баҳодир, Султонкул ботир каби баҳодирлар бўлган. Тадқиқотчи олим Я.Дадабоевнинг ёзишича, биз изоҳлаётган Сарботир гузарининг аталишига Қўқон хонлиги тарихида ўтган баҳодирлардан бири Миржалол сарбаҳодир номи асос бўлган. Миржалол сарбаҳодирнинг Қўқоннинг жануби-шарқ томонида боғи ва мазраъси (экин ери) бўлиб, ўша мазраъ ва унинг яқинидаги гузар шу шахснинг хотирасига Сарбаҳодир гузари деб ном олган.

Қўқон шаҳрида ўтган асрнинг 30-йилларигача Норкўзи додхо, Хидирали додхо, Хўжа додхо номли маҳаллалар бўлган. Тарихий ҳужжатларда қайд этилишича, додхо - хонликлардаги лавозимлардан бири бўлиб, бу мансабдаги шахс саройга арзга келганларнинг арзини подшоҳга ва унинг жавобини

арзчиларга етказиш вазифасини бажарган. Шунингдек, у қозихона ишлари устидан назоратчилик ҳам қилган. Додхох йилига хон хазинасидан 700 ботмон дон ва 1000 тилла пул - маош олган. Юқорида зикр қилинган 3 та ойконим ана шу додхо мансабини эгаллаган шахслар номи асосида яратилган.

Хонга бериладиган овқатни татиб кўрувчи ва саройдаги зиёфатни бошқарувчи амалдор - баковул дейилган. «Ўзбек энциклопедияси»да таъкидланишича, баковуллар хон ва лашқарга овқатни тайёрлаш устидан назорат қилиб туриш иши билан шуғулланганлар. Лашқарга маош ва озиқ-овқатни тақсимлаш ҳам баковуллар зиммасига юклатилган. Шаҳардаги Баковул маҳалласи шу ҳудудда истикомат қилган Ўтаб баковул номи билан юритилган.

Қўқон яқинидаги Қозикалон ойконимининг номланиши ҳам мансаб номи билан боғлиқ. Бу мансабдаги шахс пойтахт ва вилоят марказларидаги қозиларнинг ҳамда қозихона ишларининг устидан назорат қилган. Маълумотларга қараганда, қозикалон йилига хон хазинасидан 800 ботмон ғалла, 1200 танга пул олиб турган. Хонлик тарихига оид манбаларда Аҳмад бобо қозикалон, Ҳасан хожа эшон қозикалон, Муҳаммад Юсуф қозикалон сингари номлар учрайди. Қозикалон ойконими шу мансабда бўлган шахснинг хусусий, яъни чек ерлари ўрнида ташкил топган.

Дарҳақиқат, мазкур топоним XX асрнинг биринчи чорагида тузилган аҳоли манзиллари рўйхатида Чеки Қозикалон шаклида қайд қилинган. Чеки Қозикалон - «қозикалоннинг ери» маъносидадир.

Қўқон хонлигида жорий қилинган мансаб, амаллардан яна бири рисолачи деб юритилган. Рисолачи хон девонидаги вазифалардан ҳисобланган. Бу мансабдаги шахс элчилар ва уларнинг хат-хабарларига жавоб бериш билан шуғулланган. Мирзоолим Мушрифнинг хонлик тарихига бағишланган «Ансобус-салотин ва таворих ул-хавоқин» асарида Қулбобо рисолачи деган шахснинг номи учрайди. Шунингдек, хонликнинг XIX асрга оид ҳужжатларида Рисолачи қипчоқ номи тилга олиб ўтилади. Бизнингча, Қўқон шаҳридаги Рисолачи маҳалласида мазкур мансабни эгаллаган киши истикомат қилган, аҳоли ўртасида обрӯ-эътиборга сазовор бўлган. Шу сабаб маҳалла у кишининг амали номи билан

Рисолачи тарзида аталиб кетган.

Сарой мансабларидан ҳисобланмиш девонбеги - «хон девонининг сардори, бошлиғи» маъносини билдирган. Девонбегилар хирож ва закот ишларини, умуман хонликнинг ҳисоб-китоб ишларини олиб борганлар. Манбаларда кўрсатилишича, Ҳаким девонбеги, Худойберди девонбеги, Муҳаммад Раззоқ девонбеги, Саиджон девонбеги, Холдеворонбегилар, айниқса, машҳур бўлишган. Бу шахсларнинг айримлари одамлар эътиборига, иззат-икромига сазовор бўлганликлари тўғрисида ўз номларини халқ орасида абадийлаштириш шарафига муяссар бўлганлар. Қўқон шаҳридаги Муҳаммад Раззоқ девонбеги кўчаси бунинг ёрқин мисолидир.

Шаҳар тарихий жой номлари таркибида зикр қилинган Азимбой қушбеги, Сайд қушбеги, Ўтамбой қушбеги ойконимлари шахс исми билан амални ифода қилувчи қушбеги сўзининг бирикуви асосида ҳосил қилинган. Тарихчи олим Ш.Воҳидовнинг ёзишича, қушбеги - ҳарбий кўшиннинг бошлиғи маъносини ифода қилган. Бу мансаб юриш ва жанг вақтларида ҳарбий хизматдагиларга берилиб, мансаб эгаси мингбошилиқ унвонини олишга ҳам номзод бўлган. Қушбеги лавозимида кўтарилган зот алоҳида вилоятга ҳоким бўлиб кетиши ҳам мумкин бўлган. Юқорида тилга олинган маҳаллаларда қушбеги лавозимини эгаллаган шахслар ҳаёт кечирганлар. Шу боис турар жойлар ўша кишиларга ҳурмат, эътибор юзасидан уларнинг номлари билан юритилиб кетган.

Шайхулислом - шаҳардаги қадимий гузарлардан бирининг номи. Ўлкашунос тадқиқотчи Я.Дадабоевнинг ёзишича, манбаларда Қўқон хонлигида шайхулислом лавозимини эгаллаган зотларнинг номлари кўплаб учрайди. Султонхон тўра Ахрорий, Маъруфхон тўра, Сулаймон хожа бинни Юсуфхон хожа, Эшон Бобоҳўжа Конибодомий, Зокирхожа эшон Намангоний, Хожа Калон Жуйборий кабилар шулар жумласидандир. Булардан Зокирхожа эшон Намангоний гузарга ўз номини қолдириш шарафига муяссар бўлган. Гузар аввалига Шайхулислом Зокирхожа эшон гузари деб юритилган. Кейинчалик талаффузда соддалашиб, қисқаришга учраб Шайхулислом гузари тарзида аталиб кетган. Шунингдек, Қўқон шаҳрида яна Бекларбеги, Миршикор, Китобдор Мирзо, Маҳрам ойконимлари

учрайдики, булар ҳам амал номлари асосида шакллангандир.

### **Металлсозлик номи билан юритилган микротопонимлар**

Шаҳар микротопонимиясида касб-ҳунар билан боғлиқ, ойконимлар алоҳида қатламни ташкил этади. Ўтмишда Қўқонда ҳунармандчилик кенг миқёсда тараққий этган. 1887 йили олинган аҳоли рўйхати ҳужжатларида баён қилинишича, шаҳарнинг 52 фоиз аҳолиси ҳунармандлар ҳисобланган<sup>21</sup>. Шу ваздан кўпгина маҳалла, гузарлар касб-корни ифодаловчи лексемалар билан юритилиб кетган.

Ўтмишда ўлкамизда, хусусан Қўқон шаҳрида металл қуроллар, металл буюмлар ишлаб чиқариш алоҳида ўринни эгаллаган. Профессор Собиржон Иброҳимовнинг ёзишича, металлсозлик касбининг дегрезлик, темирчилик, пичоқчилик, чилангарлик, тақачилик, қулфгарлик, анжомасозлик, йигнасозлик, михгарлик, мисгарлик, мухрканлик, заргарлик сингари соҳалари бўлган. Бу соҳаларнинг юзага келиш тарихи жуда қадимий бўлиб, улар махсус терминлар билан аталадиган ўзларига хос хомашёлари, ўзларига хос ишлаб чиқариш қуроллари, ўзларига хос технологиялари билан ажралиб турган.

Металллардан ясаладиган буюмларни - моддий ҳаёт воситаларини ишлаб чиқариш учун даркор бўлган иш қуроллари; кундалиқ ҳаётда ишлатиладиган буюмлар, рўзгор асбоб-анжомлари; турар-жой қуриш учун зарур бўлган металл буюмлар; мудофаа қуроллари; безак ашёларини ишлаб чиқарганлар<sup>22</sup>.

Халқ ҳаётида алоҳида аҳамият касб этган юқорида қайд қилинган айрим тармоқлари шу соҳалари билан шуғулланувчи кишилар турадиган жой, масканларда топонимлар шаклида сақланиб қолган.

Дегрезлик - шаҳарнинг қадимий маҳаллаларидан бирининг номи. Ушбу турар-жойда яшовчи кўпчилик аҳолининг ота-боболари ўтмишда қишлоқ хўжалиги ва рўзгор буюмлари тайёрлаш, чунончи, омоч тиши, кетмон, белкурак, обдаста ясаш, шунингдек, қозон қуйиш иши билан шуғулланиб келганлар. Улар тайёрлаган қозонларнинг турлари кўп бўлиб, дошқозон, кир

<sup>21</sup> Жабборов И. Ўзбек халқи этнографияси. Тошкент, 1994, 114-бет.

<sup>22</sup> Иброҳимов С. Фарғона шеваларининг касб-ҳунар лексикаси, Тошкент, 1959, 67,85,89-бетлар.

қозон, холва қозон, тўй қозон, иккиқулоқли, учқулоқли қозон, чаксаки қозон номлари билан юритилган. Бу касб оғир қўл меҳнاتини талаб қилган. Ундаги меҳнат дастлаб икки жараёни: эритиш ва қуйишни ўз ичига олган. Бу ишлар дегрез (бош уста; корхонада технологик жараёни бошқарувчи; хомашёни тайёрловчи ва тайёр маҳсулотни сотувчи), халпа (ёрдамчи уста), дамгар (чўянни эритиш вақтида дамни босиб, унга шамол ҳайдаб берувчи ишчи), эритувчи (ёндўконга чуянни босиб, кўмир ўтида уни эритиш билан шуғулланувчи киши), қуювчи (эриган чуянларни махсус қолипларга кетма-кет қуювчи уста) томонидан бажарилган. Қўкон шаҳрида дегрезларнинг бир неча авлоди етишиб чиққан. Бу касб наслдан-наслга ўтган. Маҳкамбой Бобоев, Шодихўжа Турсунхўжаев, Расулжон Азимовлар, айниқса, машҳур бўлганлар, қатор шогирдлар етиштириб чиқарганлар.

Дарҳақиқат, Дегрезлик маҳалласининг шундай деб аталиши қайд қилинган касб-ҳунар билан бевосита боғлиқдир. Мазкур топоним форсча-тожикча дег-қозон, рез-рехтан (қуймоқ) феълининг ҳозирги замон ўзагидан таркиб топган бўлиб, айнан: “қозон қуювчи” маъносини билдиради. Дегрезлик топоними Қўкон хонлиги тарихига оид айрим манбаларда Дегрез<sup>23</sup> ҳамда Дегрезон<sup>24</sup> шаклларида учрайди. Дегрезон- “дегрезлар” маъносидадир; ном охиридаги -он қўшимчаси кўплик, жамликни ифодалайди.

**Рихтагарлик** - металсозликнинг энг қадимги турларидан биридир. Бу касб мискарлик ва дегрезлик касблари билан туташ бўлган, кейинчалик ички меҳнат тақсимооти натижасида улардан ажралиб чиққан. Рихтагарлар мискар томонидан ишланган қумғон, оптова, чойдиш кабиларнинг мискарлар ишлай олмайдиган қисмларини ишлаб чиқарганлар. Мис қийқими, пачоқ, қумғон, эски самовар синиқлари кабилар рихтагарларнинг хомашёси ҳисобланган. Рихтагарлар буларни эритиб, улардан қумғондаста, оптовадаста, чойдишдаста, мисжом қулоғи тайёрлаганлар. Мис идишлар чоқини улаш, эски мис идишларни ямаш учун махсус қотишма-кавшарни ҳозирлаб берганлар.

---

<sup>23</sup> Иброҳимов С. Қўрсатилган асар, 32-бет.

<sup>24</sup> Набиев Р.Н. Из истории Какандского ханства. Ташкент, 1973, стр. 53.

Биринч узанги, сувлук, мис ёки биринч замбаракни ҳам рихтагарлар қуйганлар<sup>25</sup>. Манбаларда кўрсатилишича, Қўқонда XIX аср охирларида бта рихтагарлик дўкони (корхонаси) бўлган. Булар шаҳарнинг ғарбий-шимолий қисмида Рихтагарлик маҳалласида жойлашган. Ушбу дўконлар Қўқондан ташқари Фарғона водийсининг бошқа шаҳар ва туманларидаги мискарларни ҳам қуйма жез буюмлар билан таъминлаб турган<sup>26</sup>. Рихтагарлик топоними 3 морфема: рихта + гар + лик дан таркиб топган. Рихта - тожикча рехтан (қуймок) феълининг ўзаги, -гар ва -лик эса от ясовчи қўшимчадир. Рихтагарлик рихтагарлар (қуювчилар) яшайдиган жой, макон маъносини ифода қилади.

**Мисгарлик** - шаҳарнинг қадимий маҳалларидан биридир. Бу турар жойда мис идишларни ясовчи усталар яшаганлар. Улар, асосан, кишиларнинг маиший эҳтиёжлари учун зарур бўлган қумғон, чойдиш, оптова, чилопчин, мистовок, мискўза, мисқозон, мискоса, сатил каби буюмларни ишлаб чиқарганлар. Мисгарликдаги меҳнат дастлаб иккига тақсимланган: ясаш ва безаш. Мискарлик атамаси мис идишларни ясаш касби маъносида қўлланган.

Наққош мисгарлар мис идишларни икки: ўйма ва суқма усулда нақшлаганлар. Мис идишларга ўйилган ва суқилган бадий нақшлар композициясининг баъзан ғоят мураккаблиги ва кўринишининг гўзаллиги билан ажралиб турган. Шаҳримиздаги Мисгарлик маҳалласида истиқомат қилувчиларнинг ота-боболари қайд қилинганидек ҳам мис идишларини ясаш, ҳам уларга нақш ўйиб безаш ишини амалга оширганлар. Аҳоли яшаш масканига берилган ушбу ном ана шу касб-хунарга нисбатандир.

**Заргарлик** - металлсозликнинг қадимий соҳаларидан биридир. Бу касб эгалари тилла, кумуш, қалай, мис каби хом-ашёлардан турли хил безак, зебу зийнат ашёларини тайёрлаш иши билан машғул бўлганлар. Заргарлар узук, билагузук, сирға, сочпопук, зебугардон, тиллақош, зирак, заркокил, тумор, тиллазулф, бўйинтумор, қўлтиқтумор қашқарбалдоқ, ойбалдоқ, фарғоначабалдоқ, шохонак каби буюмларни ясаганлар. Заргарлар ишлаб чиқарган

<sup>25</sup> Миддендорф А.Ф. Очерки Ферганской долины. СПб. 1872. Прибавление IV. А. стр. XVI.

<sup>26</sup> Иброхимов С. Кўрсатилган асар. 34-,35-,42-бетлар.

юқоридаги каби зеб-зийнат ашёлари бармоққа, кулокқа, кўкракка, бўйинга, кўлтиққа, пешонага, сочга тақиш учун мулжалланган ҳолда тайёрланган.

**Тақачилик** - маҳалласи от, хачир ва эшакнинг оёғига қоқиладиган тақани ясаш билан шуғулланувчи кишиларнинг касб-кори асосида юзага келган жой номидир. Тақалар темирдан ясалган. Тақачилар тақа учун узунлиги 1,5 метр, қалинлиги 1,5 сантиметр, кенглиги 3 сантиметрли темирни ишлатганлар. Бу темирнинг ҳар биридан катта-кичик бта тақа чиққан. Бу касб эгалари тақани ҳайвоннинг қандай тури учун ясашларига кўра: от тақа, эшак ва хачир тақа номи билан уч гуруҳга бўлганлар. От тақаларнинг бир неча тури бўлиб, улар йил мавсумига кўра: ёзлик тақа, қишлик тақа, музлик тақа; отнинг ҳолатига кўра: ялла тақа, пошналик тақа, батарин тақа; чиқиб келишига кўра ўзбек тақа, русча тақа, хитой тақа деб номланган. Тақаларга қоқиладиган мих тақа мих номи билан юритилган. Булар уч турли бўлиб, тўққизинчи (номерлик) тақа катта отларнинг туёғига, еттинчи (номерлик) тақа оддий отларга, бешинчи (номерлик) тақа эшакка, олтинчи (номерлик) тақа хачир туёғига қоқилган<sup>27</sup>.

Ўтмишда мана шу касб-ҳунар номи билан аталган тақачилик топоними ҳозирда истеъмолдан чиқиб кетган, тарих-хотирага айланган.

Металлсозлик соҳаларидан яна бири кандакорликдир. Шаҳримиздаги **Кандакорлик** кўчаси (“канд”- кавлаш, ўйиш, “кандакорлик” – металлга нақш ўйиш санъати) шу касб-кор номи билан аталган. Кандакорлар -мисгар, рихтагар усталар томонидан тайёрланган рўзгор буюмлари, қуроллар ва бошқа металл буюмларни ўйма нақшлар билан безатиб, осори-атиқага айлантирганлар. Ҳозирда Қўқонлик кандакорлар яратган санъат асарлари музейларда, шахсий жамғармаларда сақанмоқда.

Шаҳримиздаги Илғор кўчаси ўтмишда **Анжомасоз** деб аталаган. Бу ерда XVIII-XIX асрларда анжомасоз усталар истиқомат қилганлар<sup>28</sup>. Анжомасозлар пўлат темир, мис, жез, қалай каби хомашёлардан от абзалларининг металл қисмларини, чунончи, жуган, узанги, қўрғошин, халқа

<sup>27</sup> Иброҳимов С. Қўрсатилган асар, 116-бет.

<sup>28</sup> Дадабоев М.Я. Хўқанди латиф маҳаллалари ва кўчаларининг номланиш тарихи. "Фарғона" нашриёти, 2007, 31-бет



кабиларни ясаганлар. Анжомасоз атамаси икки морфемадан ташкил топган: анжомасоз бундаги анжома лексемаси от абзалларига ўрнатилган майда - чуйда металл қисмларининг умумий номини билдирган; -соз эса тожикча сохтан - ясамоқ, тузмоқ, қурмоқ, феълининг ҳозирги замон ўзагидир<sup>29</sup>.

Қисқаси, Анжомасоз – “анжома буюмларни тайёрловчи, ясовчи” маъносидадир.

Чилангарлик - металлсозликка алоқадор касблардан ҳисобланган. Чилангарлар сартарошлик, этик, кавуш, махсидўзлик, устки кийимлар тикувчилик ва дурадгорлик касбларига керак бўладиган иш асбоблари - арра, устара, белча, бигиз, занжир, кабза, қайчи, ҳалқа, искана каби буюмларни ясаганлар. Бу касб эгалари яна ўтмас буюмларни ўткирлаб бериш билан шуғулланганлар. Чилангар кўчаси тарихий ҳужжатларда “Чилангарон” тарзида қайд қилинган.

## ГИДРОНИМЛАР

Республикамизда 17 000 дан ортиқ қишлоқ ва бошқа аҳоли пунктлари, 5 000 га яқин қудуқ борлиги маълум. Одатда Ўрта Осиёда сув объектлари, жумладан кўллар кам деб келинади; ҳолбуки биргина Тяньшань тоғларидан 12 000 сой ва жилғалар оқиб тушади, Сирдарё ёқасида 2118 кўл ҳисобга олинган<sup>30</sup>. Номшунос С.Қораевнинг ушбу фикрлари кичик бўлса-да, лекин тарихда Қўқон хонлиги номи билан доврўғ қозонган Қўқон шаҳрига ҳам алоқадордир. Гидроним (юн.-hidor –сув+онома-атоқли от) – сувликдаги ҳар қандай (табиий ва сунъий) объектларнинг (оксоним, пелагоним, лимноним, потамоним, гелоним) атоқли оти. Топоним тури<sup>31</sup>. Қўқон шаҳри тарихий микротопонимияси таркибида гидронимлар - сув иншоатларининг атоқли отлари сезиларли ўринни эгаллайди.

Ўрганилаётган ҳудуд гидронимларини қуйидаги турларга бўлиш мумкин: 1) сой номлари: Улкансой (Қўқонсой), Наймансой, Оқтепасой,

<sup>29</sup> Дадабоев М.Я. Қўрсатилган асар. 31-бет. (Иброҳимов С. Қўрсатилган асар, 117,185-бетлар)

<sup>30</sup>.Қораев С. Географик номлар маъносини биласизми? “Ўзбекистон”. Тошкент.: 1970. 9-бет

<sup>31</sup> Бегматов Э, Улуков Н.Ўзбек ономастикаси терминларининг изоҳли луғати.Наманган.:2006.25-бет

Урганжисой, Қиялисой, Ғалчасой; 2) кўл номлари: Аччиккўл, Ойдинкўл;

3) булок номлари: Оқбулок, Зарбулок, Булокбоши, Қайнарбулок, Тўққизбулок, Мажнунбулок, Қизбулок, Оқарик, Ширмонбулок (Чермонбулок), Ойбулок; 4) арик номлари: Қипчоқарик, Жуйи Самандарак (Самандар ариғи), Хонарик, Қўшарик, Қорасув ариғи; 5) қудук номлари: Зарқудук, Қудукли; 6) кўприк номлари: Чархин кўприғи, Ноиб кўприғи, Бойта кўприк; 7) сувлик номи билан боғлиқ бошқа топонимлар: Артизонбўйи, Тўғонбоши, Тахтали ҳовуз, Солкашон, Чалчик, Бақақуриллоқ.

Булардан ташқари форс-тожикча изофий бирикмали гидронимлар номлари ҳам мавжуд: Обиравон, Обираҳмат.

Гидронимларнинг номланиши ўзига хосдир. Уларнинг аталишига ҳархил омиллар асос бўлган<sup>32</sup>.

1. Уруғ-қабилла номлари билан аталган гидронимлар (этногидронимлар). Бу хил номлар сув объектларининг маълум бир этник гуруҳга тегишли эканлигини, уларга алоқадорлигини билдиради: Ғалчасой, Қипчоқарик, Наймансой ва бошқалар.

Ғар қадимий сўғд тилида “тоғ” деган маънони англатган, Зарафшон бошлари Ғарчистон деб аталган; ҳозирги тожик тилида бу ерлар Кўхистон дейилади. Баъзан тоғлик тожикларни ғалча дейишади. Бу сўз асли ғарча бўлиб, “тоғлик” демакдир<sup>33</sup>.

2. Сувнинг маза-таъми, истемолга яроқли ёки яроқсизлигига, ранг хусусиятига нисбатан ном олган гидронимлар: Аччиккўл, Қорасув ариғи, Оқбулок, Зарбулок қабилар.

Гидронимлар таркибида қўлланган оқ, қора сифатлари турли маъно хусусиятларига эга. Доимо оқиб турадиган, тоғдан, музликлардан эриб келадиган қор сувлари билан тўйинадиган, ўз табиий ўзанидан оқадиган, ёзда қуримайдиган, ранги оқ тусда бўлган, ичишга яроқли сув – Оқсув, Оқбулок деб номланган. Водийларда ер ости сизот сувларидан тўйинадиган, табиий

<sup>32</sup> Нафасов Т. Ўзбекистон топонимларининг изоҳли луғати. Т.: 1988.

<sup>33</sup> С.Қораев. Географик номлар маъносини биласизми? “Ўзбекистон”. Тошкент.: 1970. 5-бет

ўзанидан окмайдиган, канал қазиб оқизилган сув эса Қорасув деб юритилган.

3. Гидрообъектнинг миқдори, оқимидаги йўналишига кўра номланган гидронимлар: Қўшариқ, Тўққизбулоқ, Обиравон, Қайнарбулоқ ва шу кабилар.

Гидронимлар ясалишида индикаторлар фаол иштирок этади<sup>34</sup>. Гидронимик индикаторларга сой (Улкансой, Ғалчасой, Ганжиравонсой, Қиялисой, Оқтепасой), кўл (Аччиқкўл. Ойдинкўл), булоқ (Зарбулоқ, Оқбулоқ, Қайнарбулоқ), ариқ (Қипчоқариқ, Қорасув ариғи) сингарилар киради.

Айрим сувликлар номи билан боғлиқ гидротопонимлар хусусида тўхталишни лозим топдик.

Артизонбўйи маҳалласи - бу нисбатан янги ном ҳисобланади. Қадимда бу мавзе Рихтагарлик, 1802 йилда Норбўтабийнинг қизи Офтобойим томонидан мадраса қурилгач, гузари Офтобойим деб юритилган. Тарихдан маълумки, ўтмишда кўқонликлар Сўх дарёсидан бошланадиган сойлар, ариқлар, булоқлар, қудуқлар, ҳовузлар сувини истеъмол қилганлар. Қишлоқ хўжалиги ва саноатнинг ривожланиши натижасида Сўх суви кескин камаяда, бу ҳол шаҳарликларни тоза ичимлик суви билан таъминлаб турувчи булоқларнинг қуриб қолишига сабаб бўлади. Гидрогеологлар тадқиқот олиб бориб, 1927 йили Сўх-Қўқон ер ости суви манбасини топадилар, Офтобойим мадрасаси ҳовлисида биринчи артезиан қудуғи қавланади. Ер ости суви қувурлар воситасида ер юзасига чиқарилади ва махсус қазилган ҳовузга оқиб тушади. Шу туфайли одамлар бу жойни “Артизон бўйи” деб атай бошлайдилар. Кейинчалик сув ҳовузга оқизилмай қувурлар орқали тарқатила бошласада, одамлар бу номни тилдан қўймайдилар<sup>35</sup>. Бу ном аввал гузар, сўнгра мутун маҳаллага ном сифатида сингиб қолди.

“Янги чорсу” маҳалласига қаршли Марғилон кўчаси ўтмишда “Тахтали ҳовуз”, деб юритилган. Кўчадаги ҳовузлардан бирининг чети ўпирилмаслиги ва сув олувчиларнинг оёғи лой бўлмаслиги учун унинг четига тахтадан ҳошия қилиб, устига қопқоқ ҳам ўрнатилганлиги сабабли халқ бу

<sup>34</sup> Охунов Н. К изучению гидронимов Ферганской долины.

<sup>35</sup> М.Дадабоев. Хўқанди латиф маҳаллалари ва кўчаларининг номланиш тарихи. “Фарғона”. 2007. 68-69-бетлар

кўчани шундай ном билан атаб келган<sup>36</sup>.

Янги чорсунинг жануб томони “Чалчик” номи билан машҳур. Чалчик ботқоқда ўсадиган бир нав ўсимликдир. Бир вақтлар бу ерларда чалчик ўсиб ётар, шу туфайли бу ботқоқ Чалчикзор деб номланарди. Замонлар ўтиб бу атамадаги “зор” қўшимчаси тушиб қолиб, “Чалчик” ҳолатига келиб қолган. XIX асрнинг I ярмида шаҳар атрофи девор – қўрғон билан ихота қилинади. Девор учун тупроқ унинг ташқарисидан олинади. Натижада шаҳар айланаси бўйлаб катта ва чуқур зовур ҳосил бўлади. Бу зовурнинг биринчи вазифаси душман йўлини тўсиш бўлса, иккинчи вазифаси сизот сувларини оқизиб юбориш эди. Зовур қазилгач, сизот сувлар зовурга сизиб, ботқоқлик қуриydi, лекин бугунги кунгача ҳам бу ном халқ тилида сақланиб, қўлланиб келинади<sup>37</sup>.

“Қаймоқли гузар” маҳалласига қарашли “Чиннисоз” кўчасининг бир қисми ўтмишда “Солкашон” номи билан юритилган. Бу кўчада сол ясаб, ёғоч оқизувчи усталар истиқомат қилганлар. Қозоғистон даштлари хонликка қўшиб олингач, у ерларга шаҳарлар қурилган. Иморатлар учун зарур бўлган ёғоч Фарғона водийси ўрмонларида тайёрланиб, Сирдарёда оқизилган, дарёнинг ўрта ва қуйи оқимида қурилаётган шаҳарларга етказиб берилган. Бундай ишлар билан солкашлар шуғулланганлар<sup>38</sup>.

Кўқон шаҳри тарихий гидронимлари билан боғлиқ бўлган атоқли отлар хилма-хил бўлиб, уларнинг номланиши қатор объектив омиллар билан боғлиқдир.

## ЭТНОТОПОНИМЛАР

Топонимларнинг вужудга келишида аҳолининг этник таркиби - маълум ҳудудда истиқомат қилган турли халқ, қабила, уруғлар муҳим роль ўйнаган. Жуғрофий жойларнинг кўпчилиги кишиларнинг ижтимоий гуруҳига - қайси қабила ва уруғ, қавмга мансублигига нисбатан ном ола бошлаган. Этнонимлардан ясалган топонимлар- этнотопонимлар, одатда, турли қабила,

<sup>36</sup> М.Дадабоев. Кўрсатилган асар. 24-бет.

<sup>37</sup> М.Дадабоев. Кўрсатилган асар. 23-бет.

<sup>38</sup> Кўрсатилган асар. 41-42-бетлар.

уруғ вакиллари кўшни, аралаш яшаган ҳудудларда, этнонимлар фарқ этувчи белги вазифасини бажарадиган жойларда юзага келган. Бундай номлар ўша қабила, уруғ вакилларининг ўзлари томонидан берилмаган, балки кўшни, иккинчи қабила кишилари томонидан қўйилган.

“Тарихга назар ташласак, ўзбек миллати узок ва мураккаб тарихий жараёнларда турли халқларга мансуб бўлган қабила ҳамда уруғлар билан ўзаро аралашиб, қўшилиб кетиши натижасида шаклланганлигини кўрамыз. Халқимиз ичида туркий халқларга мансуб бўлган қорақалпоқ, уйғур, қирғиз, қозоқ, татар, турк миллати вакиллари билан бирга форс-тожик, араб, рус, лўли, мўғул каби бошқа халқ вакиллари учратиш мумкин. Маълумки, ўзбек халқининг миллат бўлиб уюшувида кўплаб этник гуруҳлар ўз улушини қўшган, уларнинг маданияти, тили, халқимиз ўтмишини яратишда муҳим манба ҳисобланади. Ушбу этник гуруҳлар номи ва шу асосда юзага келган жой номларини тадқиқ қилишда этнотопонимлар алоҳида ўрин тутди”<sup>39</sup>.

Ўзбек этнонимияси ва топонимика бўйича олиб борилган тадқиқотлар, айниқса, мустақиллик йилларида самарали бўлди. Миллий кадриятларимизни қарор топиши, ўзликка қайтиш тилшуносликнинг топонимика соҳасини бутунлай янги ўзакка буриб юборди. Этнотопонимлар бўйича номзодлик ва докторлик диссертациялари ҳимоя қилинди. А.Отажоновнинг “Хоразм этнотопонимлари ва уларнинг луғавий асослари”<sup>1</sup>, А.Туробовнинг “Самарқанд вилояти этноним ва этноойконимларининг таҳлили”<sup>2</sup>, К.Марқаевнинг “Ўзбек тили этнонимларининг таҳлили”<sup>3</sup> мавзусидаги диссертациялар шулар жумласидандир.

Булардан ташқари, шаҳар тарихий микротопонимиясида турли тоифа, табақа, гуруҳ номлари билан ифодаланган Боён, Маддоҳон, Шайхон, Беквачча,

---

<sup>39</sup> А.А.Эргашев Андижон вилояти этнотопонимларининг ареал – ономастик тадқиқи. Диссертация. Тошкент. 2012. 13-бет.

<sup>1</sup> Отажонова А. Хоразм этнотопонимлари ва уларнинг луғавий асослари: Филол. фанлари номзоди ... дисс. - Тошкент, 1997.

<sup>2</sup> Туробов А. Самарқанд вилояти этноним ва этноойконимларининг таҳлили: Филол. фанлари номзоди ... дисс. - Тошкент, 1999.

<sup>3</sup> Марқаев К. Ўзбек тили этнонимларининг таҳлили (Жанубий Ўзбекистон вилоятлари мисолида): Филол. фанлари номзоди ... дисс. - Тошкент, 2004.

Хўжамаҳалла, Дарвишобод, Эшонмаҳалла топонимларини ҳам этнотопонимлар сирасига киритиш мумкин.

Қўқон шаҳри тарихий микротопонимияси тизимида этнотопонимлар маълум бир қатламни ташкил этади. Улар маълум ҳудудда яшаб келган турли қабилалар, уруғлар, қавмлар, халқларга оид кўплаб маълумотлар беради. Бу хил этнотопонимлар ўзбек халқининг шаклланиш тарихини, этногенезиси масаласини ёритишда қўшимча манба бўлиб хизмат қилади. Биз юқоридаги айрим этнотопонимларга тўхталиб ўтганлигимиз боис, қуйида айримлари ҳақида тўхталамиз.

Қирқ ҳам асли ўзбек уруғларидан бирининг номидир. Қирқлар ўтмишда Ўзбекистоннинг турли ҳудудларида яшаганлар. Улар, асосан, Самарқанд вилоятининг Булунғур, Жиззах вилоятининг Ғаллаорол, Жиззах, Зомин туманларида, қисман Бекобод ва Ўратепа томонларида ҳаёт кечирганлар<sup>40</sup>.

Қирқ этноними асосида юзага келган қишлоқ, маҳалла номлари ўлкамизнинг турли ҳудудларида учрайди. Фарғона вилоятининг Учкўприк туманида Қирқ, Данғара туманидаги Қирқлар, Наманган вилоятининг Мингбулоқ туманидаги Қирқчек, Жиззах вилоятининг Бахмал туманидаги Қирққишлоқ, Самарқанд вилоятининг Қўшрабат туманидаги Қирқовул, Булунғур туманидаги Каттақирқ, Қорақалпоғистоннинг Хўжайли туманидаги Қирқ, Амударё туманидаги Қирқбўйи, Беруний туманидаги Қирқтом, Хоразм вилоятининг Хонқа туманидаги Қирқёп (ёп – шевага хос сўз бўлиб, ариқ маъносини билдиради) топонимлари шулар жумласидандир.

Юқоридагилардан ташқари яна Жиззах вилоятининг Ғаллаорол туманидаги Молтоп, Мулкуш, Зомин туманида Чапрашли, Тошкент вилоятининг Ўрта Чирчиқ, Фарғона вилоятининг Бешариқ туманларида Қорақўйли топонимлари учрайдики, булар бевосита қирқ уруғининг тармоқлари, шоҳобчалари номлари билан аталгандир<sup>41</sup>.

Бугунги кунда Андижон, Жиззах ҳамда воҳалик ҳамюртларимиз ўзлари

<sup>40</sup> Дониёров Х. Ўзбек халқининг шажара ва шевалари. –Тошкент, 1968. 86-бет.

<sup>41</sup> Охунов Н. Жой номлари таъбири. Тошкент: “Ўзбекистон”. 1994. 6-бет.

мансуб бўлган уруғлар номларини сақлаб келаётганликларини улар билан бўлган суҳбатлар асносида кузатиш мумкин. Масалан, Жиззах вилояти Ғаллаорол тумани Гумсой қишлоғи аҳолиси асосан қирқ уруғига мансуб эканлигини таъкидлайдилар. Андижон вилояти Балиқчи, Шаҳрихон туманларида ҳам бир қишлоқ аҳолиси уч гуруҳ: қоралпоқлар, сортлар ва қипчоқларга бўлинади. Уларнинг ҳар бирида ўзига хос тутумлар, урф – одатларидаги ўзгачаликлар кузатилади.

Табиийки, бу этнотопоним қирқ қавмига оид янгидан-янги маълумотлар беради, уларнинг тарқалиш чегарасини кўрсатишда алоҳида аҳамият касб этади.

Фарғона вилояти Данғара тумани ҳудудидаги Аравон этнотопоними Қўқон хонлиги тарихига оид манбаларда, архив ҳужжатларида Арабон шаклида учрайди. Дарҳақиқат, топоним икки қисмдан: араб сўзи ва тожикча кўпликни ифода қилувчи –он кўшимчаисдан таркиб топган. Арабон – айнан: “араблар” демақдир. Келиб чиқишига кўра Арабон тарзида шаклланган жой оти номда юз берган фонетик ўзгариш – икки унли ўртасидаги “б” ундошининг “в” товушига ўтиши натижасида Аравон кўринишига келиб қолган.

Аравон топоними ёлғиз эмас. Бухоро вилоятининг Ғиждувон, Вобкент, Навоий вилоятининг Қизилтепа, Қашқадарё вилоятининг Шаҳрисабз туманларида ҳам Арабон деган қишлоқлар бор.

Ўрни келганда шуни таъкидлаб ўтиш жоизки, этник гуруҳ номини ифодаловчи араб сўзи асосида юзага келган жой номлари республикамызда анчагина миқдорни ташкил этади. Уларнинг умумий сони 30 дан ортиқдир. Самарқанд вилоятининг Иштихон, Каттақўрғон, Нарпой, Пастдарғом, Қашқадарё вилоятининг Қарши, Косон, Шаҳрисабз, Китоб, Чироқчи, Бухоро вилоятининг Пешку, Навоий вилоятининг Кармана туманларидаги Арабхона топонимлари этнонимга ўрин-жой маъносини билдирувчи –хона аффиксоидини кўшиш орқали вужудга келган. Арабхона – “араблар яшайдиган қишлоқ” маъносидадир. Қашқадарёнинг Косон, Қамаши туманларида жойлашган Арабтўда номли гузар ва маҳаллалар “араб уруғига мансуб

кишилар тўп бўлиб яшаётган жой” маъносини ифодалайди.

Араб этнонимига дахлдор топонимларнинг айримлари аҳоли масканларининг турини билдирувчи қишлоқ, овул, кўрғонча, маҳалла сўзлари воситасида ясалган. Фарғона вилоятининг Бувайда, Андижон вилоятининг Избоскан, Балиқчи, Пахтаобод туманларидаги Арабқишлоқ, Қашқадарё вилоятининг Нишон туманидаги Арабовул, Фарғона вилоятининг Учкўприк туманидаги Арабкўрғонча, Андижон вилоятининг Избоскан туманидаги Арабмаҳалла топонимлари шулар жумласига киради.

Араб қишлоқларининг баъзилари пайдо бўлган даври ва вақти ҳамда ҳажм, миқдорий хусусиятига нисбат этилгани ҳолда иккига бўлиниб номланган. Фарғона вилоятининг Олтиариқ туманидаги Янги Араб ва Эски Араб, Андижон вилоятининг Балиқчи туманидаги Катта Араб ва Кичик Араб топонимлари бунга ёрқин далилдир.

Араб этноними замирида юзага келган жой номлари юқорида айтилганлар билан тугамайди, албатта. Буларга яна Бухоро вилоятининг Ромитон туманидаги Араблар, Наманган вилоятининг Норин туманидаги Арабчек, Андижон вилоятининг Шаҳрихон туманидаги Қизилараб, Арабтўпи, Фарғона вилоятининг Тошлоқ туманидаги Арабмозор, Бувайда туманидаги Тошараб, Қашқадарё вилоятининг Китоб, Яккабоғ, Чироқчи туманларидаги Арабсой, Шаҳрисабз туманидаги Араббанд топонимларини мисол қилиб келтириш мумкин.

Қайд қилинган топонимлар араб қавмига мансуб кишиларнинг яшаган ва тарқалган ҳудудларини белгилаш ва аниқлашда алоҳида аҳамият касб этади. Бу хил жой номлари халқимиз тарихини ўрганишда қўшимча манба – материал вазифасини ўтайди.

Этнонимларнинг бирон бир қўшимча элемент қабул қилмасдан тўғридан - тўғри жой номига кўчиши (топонимлашуви) ўрганилаётган ҳудудда анча сермахсулдир. Дарҳақиқат, этнонимларнинг топонимлашувини қуйидагича кўрсатиш мумкин:

1) туб этнонимларнинг топонимлашуви: қатоғон-Қатоғон, тома-Тома,



юз-Юзлар, қирқ-Қирқлар, ғалча-Ғалча кабилар.

2) ясама Этнонимларнинг топонимлашуви: овчи-Овчи, тоғлик-Тоғлик, найман-Найманча сингарилар.

3) қўшма этнонимларнинг топонимлашуви: бешқовоқ-Бешқовоқ, калражаб-Калражаб, қўтирқипчоқ-қўтирқипчоқ, яланғоч ота-Яланғоч ота, ғозиёқлик-Ғозиёғлик ва бошқалар.

## **ТОПОНИМЛАРНИНГ ОНОМАСТИК КОНВЕРСИЯ УСУЛИ БИЛАН ЯСАЛИШИ**

Ўзбекистан Республикаси мустақилликка эришгач, жой номларига бўлган эътибор ҳам тубдан ўзгарди. Айрим тарихий, миллий жой номлари қайтадан тикланди. Жой номларининг ясалиши моҳият эътибори билан сўз ясалишидан жиддий фарқ қилмаса-да, лекин ўзига хос айрим белгиларга эга. Топонимлар, асосан, композиция аффиксация ва ономастик конверсия усуллари билан ясалади.

Ономастик конверсия усули топонимлар ясалишида алоҳида ўрин тутади. Ономастик конверсияни икки турга бўлиб ўрганиш мумкин: 1) ички конверсия; 2) ташки конверсия. Ономастика доирасига кирувчи этноним, антропонимлардан топонимлар ясалса, ички ясалиш дейилади. Ташки конверсияда топонимлар ономастик тизимдан ташқарида бўлган отлардан ясалади.

Топонимларнинг ички конверсия усули билан ясалиши кўп учрайди. Булар қуйидаги кўринишларга эга: 1. Этнонимларнинг топонимлашуви. 2. Антропонимларнинг топонимлашуви.

Этнонимларнинг бирон бир қўшимча элемент қабул қилмасдан тўғридан - тўғри жой номига кўчиши (топонимлашуви) ўрганилаётган ҳудудда анча сермахсулдир. Дарҳақиқат, этнонимларнинг топонимлашувини қуйидагича кўрсатиш мумкин:

3) туб этнонимларнинг топонимлашуви: қатоғон-Қатоғон, тома-Тома, юз-Юзлар, қирқ-Қирқлар, ғалча-Ғалча кабилар.

4) ясама этнонимларнинг топонимлашуви: овчи-Овчи, тоғлик-Тоғлик, найман-Найманча сингарилар.

3) кўшма этнонимларнинг топонимлашуви: бешқовоқ-Бешқовоқ,, калражаб-Калражаб, кўтирқипчоқ-кўтирқипчоқ, яланғоч ота-Яланғоч ота, ғозийёғлик-Ғозийёғлик ва бошқалар.

Кўкон шахри тарихий микротопонимларининг бир қисми антропонимларнинг жой номига кўчиши асосида юзага келган. Уларнинг турлари куйидагича:

1) содда антропонимларнинг топонимлашуви: Давронбек (киши исми) - Давронбек (маҳалла номи), Бобобек (киши исми) - Бобобек (кўча номи), Эрдонабий (киши исми) –Эрдонабий (кўча номи), Рустамбек (киши исми) - Рустамбек (кўча номи) кабилар.

2) «шахс исми+лақаб» кўринишидаги кўшма антропонимларнинг топонимлашуви: Уста Бозор, Машариф Пўстиндўз, Аҳмаджон кўшнай, Охун Девона, Тўкли мерган, Шариф карсон сингарилар.

3) «шахс исми+мансаб номи» кўринишидаги антропонимларнинг топонимлашуви: Ашур Мирзо, Шерали Мингбоши, Норкўзи Додхо, Карим қул, Зинбардор, Машариф Оталиқ, Мулла Девон беги, Қаноат парвоначи, Маткарим Қоровулбеги ва бошқалар.

Ўрганилаётган ҳудудда ташқи конверсия усули билан ясалган топонимлар ҳам мавжуд. Булар куйидаги кўринишларга эга:

1. Ўсимлик номларининг топонимлашуви: чинор-Чорчинор, олча-Олчазор, ток-Токзор кабилар.

2. Географик атамаларнинг топонимлашуви: работ-Работ, хонариқ-Хонариқ, гумбаз-Кук гумбаз, Артизонбўйи, Конирил, Шохроҳ, Ғишт кўприк сингарилар.

3. Мансаб амал номларининг топонимлашуви: сарбоз-Сарбоз, навкар-Навкарён, Саробаҳодир (Салвотир) ва бошқалар.

4. Касб-хунар номларининг топонимлашуви: қоғоз-Қоғозгар, совун-Совунгар, астар-Астарбоф, арава-Аравасоз, бўз-Бўзчи, бахмал-

Бахмалбоф, Аспжаллоб, Говжаллоб топонимлари ҳам касб-хунар машғулот номларини ифодаловчи отларнинг жой номларига кўчиши натижасида вужудга келгандир.

Хуллас, ономастик конверсия топонимларнинг ясалишида муҳим ўринни эгаллайди. Бу усул билан ясалган топонимларни пухта, изчил, ҳар томонлама ўрганиш, унинг сўз ясалиши тизимида ўзига хос хусусиятларни аниқлаш номшунослигимизнинг муҳим вазифаларидан биридир.

### **Мадрасалар номлари**

Ўрта Осиёнинг қадимий шаҳарларидан бири бўлгаш Қўқон шаҳри Ўрта аср шаҳарсозлигининг барча анъаналарини ўзида мужассамлаштирган эди. Бу жиҳатдан Қўқон, Самарқанд, Хива ва Бухородан кейин туради.

«XVIII асрнинг охирига келиб, Қўқон хонлигининг ташкил топиши шаҳарда мадраса ва масжидларнинг кўпайишига сабаб бўлди, чунки бу даврда ижтимоий ҳаётнинг барча жабҳаларида диний мафкура ҳукмрон эди».<sup>42</sup>

Қўқон мадрасалари ҳақида бир неча тадқиқотчилар иш олиб борган. Жумладан, Х. Бобобеков, Р. Шамсуддинов, Б. Расулов ва Р. Арслонзодалар ўз тадқиқотлари натижасида Қўқонда 40 га яқин мадрасалар бўлганлиги ҳақида маълумот берадилар.

Лекин, Қўқон ўлкани ўрганиш мўзейи илмий ходими Я. Дадабоев музей фондидаги маълумотларга асосланиб, бу ерда 52 та мадраса бўлганлиги ҳақида маълумот беради.

Қўқон мадрасалари руйхати 1914 йилда Фарғона область Маориф бўлими ходими Егоров ва «Садойи Фарғона» газетаси ходимлари томонидан тайёрланган бўлиб, унда 39 та мадраса номи кўрсатилади холос. Қолган мадрасалар номлари шу ишга бел боғланган фидойи инсонлар

---

<sup>42</sup> «Қўқон асрлар силсиласида» Республика илмий-назарий конференцияси. Я. Дадабоев ва бошқалар. Хўқанди латиф мадрасалари. Қўқон – 2004йи. 255 - бет.

томонидан аниқланган.

Қўқон мадрасаларини қуйидагича таснифлаш мумкин: 1) мадраса асосчиси номи билан аталувчи: Султонмуродбек мадрасаси, Мирбўтабек мадрасаси, Мадалихон мадрасаси, Аминжонбой мадрасаси ва бошқалар.

2) мансаб-амал номлари билан аталувчи мадрасалар: Тунқатор мадрасаси, Дастурхончи мадрасаси, Зинбардор мадрасаси, Хожа Додхоҳ мадрасаси, Пирмуҳаммад Ясовул мадрасаси ва шу сингарилар.

Тунқатор мадрасаси - хонлик даврида тунги пойлоқчи, қоровул маъносини англатган амал номи.

Дастурхончи - хон саройидаги иккинчи даражали мансаблардан бўлиб, саройда ўтказиладиган зиёфатлар, қабул маросимларини бошқарувчи мансаб амалининг номидир.

Зинбардор - форсча «зин» -эгар-жабдуқ, «бардор»- келтирувчи, олиб юрувчи маъносини англатиб, хон саройи ва қўшинини эгар-жабдуқ билан таъминловчи амалдор номи.

Додхоҳ - одамлар арзини хонга етказувчи мансабдор.

3) объектнинг қурилиш услуги ва вазифасидан келиб чиқадиган мадрасалар номи: Мадрасаи Хиштин, Мадрасаи Жомеъ, Мадрасаи Хуржун, Мадрасаи Чалпак, Мадрасаи Ҳаммом, Ҳарифона мадрасаси ва шу кабилар.

Хиштин мадрасаси - ғиштдан қурилган мадраса, Мадрасаи Хуржун - мадраса қуриш учун жой кичик бўлганлигидан йўлнинг икки четига қурилган (ташқи кўриниши хуржунни эслатади), Чалпак мадрасаси - бу ерда очларга, ғарибларга чалпак пишириб улашилганлига сабабли халқ бу мадрасага шу номни берган.

4) хонларнинг аёллари номига берилган титулдан келиб чиққан мадраса номлари: Мингойим мадрасаси, Ҳоким Ойим мадрасаси, Моҳларойим мадрасаси, Офтобойим мадрасаси ва шу кабилар.

5) эгалик хусусиятига кўра номланган мадрасалар: Суфиён мадрасаси, Арки Олий мадрасаси, Мадрасаи Олий ва бошқалар.

Суфиён - дастлаб бу ерда суфийлар хонақохи бўлиб, кейинчалик мадрасага айлантирилган. Арки Олий - Олий Арк хонларга тегишлилик маъносини берувчи сифат. Хонзодалар ва юқори амалдорларнинг фарзандлари учун махсус қурилган мадраса. Мадрасаи Олий - Олий Мадраса ҳисобланиб, ҳозирги докторантура вазифасини бажарган. Мадрасани битирган муллаваччалар ўқишни давом эттиришни исташса, шу ерда давом эттирганлар. Бу ерни тугаллаган муллаваччалар муфтий, аълам, қози, раис ва бошқа амалларни сўзсиз эгаллаганлар.

Хуллас, Қўқон шаҳри тарихий микротопонимияси тизимида мадраса номлари ҳам ўзининг лексик-семантик хусусиятлари билан алоҳида ўрин эгаллайди.

## **Қўқон шаҳри тарихий микротопонимиясида бозорлар ва қабристонларнинг номланиши**

XVIII-XIX асрларда Қўқон Марказий Осиёнинг энг йирик маданият марказларидан бири бўлганлиги маълум.

Шаҳар тарихий микротопонимиясининг ўрганиш жараёнида бозорлар, такялар ва қабристонларнинг номланиши ҳам аҳамиятга молик ҳисобланади. Бу ерларда қадимдан “яшаб ўтган миллатлар ва элатлар, урф-одатлар, машҳур шахслар, оилавий шажаралар...”<sup>43</sup> касб-корига доир қимматли маълумотлар бера олади.

Қўқон хонлиги даврида Қўқон шаҳрида 30 га яқин бозорлар бўлганлиги маълум. Бозорларнинг номлари ва уларнинг алоҳида ҳудудларда жойлашиши маълум маънода аҳолига қулайликлар яратилганидан нишонадир.

Тадқиқотимиз мобайнида Қўқон шаҳрида қуйидаги номдаги бозорлар бўлганлигини кўрамиз: Қаймоқ бозор, Ёғ бозори, Ғалла бозори, Қозон бозори, Чой бозори, Туз бозори, Ипак ва пилла бозори, Қовун бозори, Жувари

---

<sup>43</sup> Я.Дадабоев. Хўқанди латиф маноқиби. Тошкент: 2018, 441-бет.

каффон, Китоб бозори, Сурп бозори, Бўз ва астар бозори, Олача бозори, Дўппи бозори, Арқон бозори, От бозори, Мол бозори, Жун бозори, Кўмир бозори, Чарм бозори, Кафш (махси) бозори, Хода (ўтун) бозори кабилар.

Бозорларнинг номланишидан маҳаллий аҳолининг турли касб-ҳунар билан шуғулланганлиги ва ўша пайдан ҳозиргача ҳам айрим маҳалла ҳамда кўчаларнинг номларига мазкур касб-кор номи топоним сифатида қўлланиб келинаётгани бунга далолатдир. Чунончи, Дўппидўзлик, Қаймоқли гузар, Ёғ бозори маҳалласи, Галабаққоллик, Олачабоф ва бошқалар шулар жумласидандир.

Бозорлар ҳақида фикр юритар эканмиз, зиёли-педагог Пўлотжон Қаюмов хотиралар китобида шоир мулла Убайдулла Завқий вафоти тўғрисидаги фикр юритганда махси бозори ҳақида ҳам айтиб ўтганликларни кузатамиз: “Кейинча бу киши раста ахлидан бўлуб, махси бозорида дўконлари бўлган эди. Ахли раста орасинда эътибор-обрўйи бўлганидан Мадрасаи Олийга вақф бўлган **махси бозори** дўконларини бир йўла ижарага олиб чиқиб, бошқа олувчиларга алоқадор ҳол ялғуз ижара бериб туриш ҳоллари ҳам бўлар эди”.<sup>44</sup> Ёки “Хуш қомат, оқ қизил юзли, сийрак мошгурунч сийрак чиройли соқолли кулар юзли Завқийга шоирлик ўхшаб тушган. **Кафш бозорида** туғма оқсоқол сўзга етар”.<sup>45</sup>

Келтирилган фактдан аён бўладики, кафш бозори ва махси бозори битта бозорнинг номидир, халқ бир бозорни икки хил номлаган. Мантиқан қаралганда ҳам, бу икки номдаги бозорнинг айнан бир жойда бўлиши табиийдир.

П.Қаюмов юқоридаги асарида Мадрасаи Хонхўжанинг жойлашган ўрни ҳақида маълумот бериб, “Ҳозирги 18нчи участкада **ўтин бозори** турган ерга яқин эди” (60-бет).

Собир Абдулланинг “Мавлоно Муқимий” асарида кўмир

---

<sup>44</sup> П.Қаюмов. “Хўқанд тарихи ва унинг адабиёти” (материаллар ва хотиралар). Тошкент: “Тамаддун” 2011. 13-14-бетлар.

<sup>45</sup> П.Қаюмов. “Хўқанд тарихи ва унинг адабиёти” (материаллар ва хотиралар). Тошкент: “Тамаддун” 2011. 17-бет.

бозори (61- бет), қаймоқ бозори (63-бет), қозон бозори (88-бет), хода бозори (263-бет), ёғ бозори (289-бет) каби бозорлар номларининг учраши Қўқон XIX-XX аср бошларида Ўрта Осиёдаги энг йирик савдо марказларидан бири бўлганлигига гувоҳлик беради.

Пулотжон Домулла Қаюмов “Тазкираи Қаюмий”нинг 1-китобида: “Фуркат –Хўжанд даҳа 1-Бешариқ маҳалласидаги усули қадим мактаби (Жувари каффон масжиди деб аталган 1901 йилда ёпилган) да ўқиған”<sup>46</sup> лиги ҳақида маълумот беради. Демак, Жувари каффон бозоридаги масжид ҳам худди шундай ном билан номланганлиги маълум бўлади.

Каффон (каппон) (арабча- тарозининг бир тури). 1. Ғалла бозорига ўрнатилиб, оғир юклар тортиладиган бир паллали катта тарози. 2. Шундай тарози ўрнатилган, усти очиқ ёки тим қопланган дон, ғалла бозори.<sup>47</sup>

“Тазкираи Қаюмий”нинг 3- китобида: “Насимий II – бу шоир Хўқанд шаҳридан бўлиб, 1866нчи йилда Хўжанд даҳасида I Бешариқ Жувари Каффон маҳалласида майда савдогар дўкондор оиласида майдонга келди”,<sup>48</sup> бу ўринда бозор номи топоним (жой номи)га ўтганини кўраимиз.

Алишер Навоийнинг “Садди Искандарий” достонида: “Тарозининг , икки палласини тўғрилаб, тошини темирдан ясаттирди ва муҳрлади. Узунлик ўлчови бўлмиш қарини (метрни) ҳам темирдан қилдирди. Натижада халқ кам газ олишдан халос бўлди. Каппонни ҳам Искандар ихтиро этди, ўлчаш вақтида чиқадиган низоларни бартараф қилди”.<sup>49</sup> Кўринадикки каппон, каффон атамаси бугун ҳам фонетик ўзгаришга учраган ҳолда талаффуз этилаётган бўлсада, мазмун бирлигини англаймиз. Ҳозирда Қўқон шаҳридаги каппон бозори номи билан шуҳрат қозонган гавжум бозори ҳам юқорида ЎТИЛда берилган ҳар икки изоҳга мувофиқ эканлигини кўраимиз.

“Хушёр –Хўқанд шаҳридан бўлиб, Хўжанд даҳасига тобе Ҳалифа Сафо номли маҳаллада майда савдогар (чойфуруш) оиласида дунёга

<sup>46</sup> Пулотжон Домулла Қаюмов. “Тазкираи Қаюмий” I. 227-бет

<sup>47</sup> ЎТИЛ 5 жилдли 2 жилд. “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти. 317-бет

<sup>48</sup> Пулотжон Домулла Қаюмов. “Тазкираи Қаюмий” III. 564-бет

<sup>49</sup> Алишер Навоий. Садди Искандарий.(насрий баён Иноят Махсумов) Тошкент: 1978. 45-46-бетлар.

келмиш”.

“Шукрий –Хўқанд шахридан бўлуб собиқ Қатағон даҳа Шайхон маҳалласида ... шоҳи ифак тўқувчи косиб оиласида 1888нчи йилда дунёга келмиш”.<sup>50</sup> Тазкирада номлари зикр этилган ижодкорларнинг аксарияти савдогар ёки маълум касб-кор билан шуғулланувчи оилада туғилиши, бу ерда савдо, бозорнинг алоҳида аҳомиятга молик эканлигини оддий аҳоли ҳаёти асносида кўриш мумкин.

Ономастикада некронимлар номи билан юритиладиган қабристонлар, муқаддас қадамжолар хонлик даврида ва бугунги Қўқон ҳаётида ҳам жуда кўп бўлиб, уларнинг айримлари мозийга алоқадор бўлиб қолган.

Шунга кўра Қўқон шахридаги некронимларни уч гуруҳга бўлиб ўрганиш мумкин:

1. Мозий мулкига айланган қабристонлар.
2. Ҳозирда мавжуд, лекин майит қўйилмайдиган қабристонлар.
3. Ҳозирда ишлаб турган қабристонлар.

Мозий мулкига айланган қабристонлар сифатида қуйидагиларни келтириш мумкин.

Ғариб гўристонлик ёки ғариблар мазори, номидан англашилиб тургандек бу ерга ғариблар, ҳеч кими йўқлар, мусофирлар, қаландарлар, дарвешлар мадфун этилганлар. Ушбу жойга 1842 йилдаги Қўқон Бухоро уруши қурбонлари, Россия истилосида ҳалок бўлган шахидлар, 1930-1947 йиллардаги очарчилик қурбонлари ҳам қўйилган. 1949 йилдан бу ерга майит қўйиш тўхтатилиб, 1950 йилларда аҳолига турар-жой қуриш учун берилган. Ҳозирда қабристон ўрнида улгуржи мева-сабзавот бозори, темирчилик, тунукасозлик ва савдо расталари қад ростлаган.

“Маҳвий (Мирзо Худоёр) Қатағон даҳасидаги Баковул маҳалласининг Ғариб гўристон мазорида дафн этилган”<sup>51</sup>лиги ҳақида

---

<sup>50</sup> Пўлотжон Домулла Қаюмов. “Тазкираи Қаюмий” III. 670-671-бетлар.

<sup>51</sup> Пўлотжон Домулла Қаюмов. “Тазкираи Қаюмий” I.92-бет



Пўлотжон Домулланинг тазкираларида маълумот келади.

Қадамжой қабристони Муқимий истироҳат боғининг шимолий томони шаҳар юқумли касалликлар шифохонаси ва унинг атрофида жойлашган турар-жойлар ўрнида бўлган. Россия босқинидан сўнг қабристон ўрнида Европа услубидаги уйлар ва кўчалар қурилган.

Даҳмаи Олий (Қўқон хонлари хазираси) кейинчалик хонлар Катта қабристон ҳудудидаги Даҳмаи Шоҳонга кўчирилади.

Қамишли мазор (шаҳид мазор) XVIII аср ўрталарида қалмоқлар билан бўлган жангда шаҳид бўлганлар кўмилган.

Қадамжой II ёки Сарбон қабристони. Сарбон ва Ғиштли масжид маҳаллалари туташган жойда бўлган қабристон. Шаҳар СЭС, боғча, кўп қаватли Қтурар-жой бинолари қурилган.

Сандиқли қабристони. Сандиқли ўзбек уруғларидан бирининг номи бўлиб, XVI асрда шаҳарнинг жанубий қисми (ёнилғи савдоси омбори ўрни ва унинг атрофи)га ўрнашиб қолганлар. Уларнинг бир қисми Зарафшон ва Нуротага кўчиб кетганлар. Қолганлари шаҳар аҳолиси билан аралашиб кетган. Улар яшаган маҳалла номи ўзгарса-да, қабристон номи ўзгармай қолган. XIX аср охири ва XX бошларида қабристон ўрнига темир йўл омборлари қурилган.

“Лангар бобо” мазори ҳозирга “Индорума” қўшма корхонаси ҳудудида бўлган. 1720-1725 йилларда собиқ савдогар кейинчалик зоҳидлик хирқасини кийган Зикриё Карвон катта лангар қурган. Лангар – давлатманд кишилар томонидан иссиқ овқат тайёрлаб, камбағаллар, ғариблар, етим-есирлар ва беваларга улашиладиган жой. У киши вафот топгач, шу қабристонга қўйилади ва бу жой халқ томонидан “Лангар бобо мазори” номи билан шуҳрат топган.

Булардан ташқари яна 20га яқин зиёратгоҳ ва қабристонлар мозий мулкига айланган. Дунёда мазор бўлмаган жойнинг ўзи йўқ, бу гап Қўқон шаҳри ва унинг атроф ҳудудларига ҳам тааллуқлидир.

Ҳозирда майит кўмилмайдиган қабристонлар.

Кўктўнлик ота ёки Кўктўнлик азизлар қабристони. Шаҳарнинг шимолий

қисмида Ганжиравонсойнинг икки тармоғи оралиғи, (газ тақсимлаш шахобчаси яқинида). Кўктўнликлар – тасаввуфдаги бир оқим номи. Тасаввуф оқимида ҳам моддий табақаланиш бўлган. Сўфийлар жамоасининг қашшоқ, йўқсил қисми “кўктўнликлар”, бирмунча таъминланган ва давлатманд қисми “оқтўнликлар” деб аталган.

Тепакўрғон қабристонни асли Хўқандкўрғондир. Мўғул босқинчилари шаҳарни қамал қилиб ололмагач, Сарикўрғондаги тўғонни бузиб шаҳарни сувга ғарқ қиладилар. Хўқандкўрғон устига Абдурахимбий янги ўрда қурдиради. Бу ўрда тарихий манбаларда ва халқ орасида “Қалъаи Раҳимбий” номи билан юритилган. Абдулкаримбий кейинча ўрдани шаҳар маркази – Чорсу майдони яқинига кўчиради. Эски ўрда сарбозхонага айлантирилади ва 1815 йилдаги zilзила сабаб, ўрдага катта талофот етади, у ер ташландиқ ҳолга келиб қолиб, Тепакўрғон деган номигина қолади. Бино харобалари текисланиб, ўрни қабристонга айланади ва “Тепакўрғон қабристонини” деб ном олади. Кейинчалик, мудҳиш қатоғон йилларида бу ер қатлгоҳга айлантирилади.

1960 йилларда қабристоннинг икки четига кўп қаватли турар-жой бинолари қурилган. Тепакўрғон қабристонини атрофи ўралган ҳолда сақланмоқда. Ҳозирда бу ерда Қўқон шаҳрининг ёшини аниқлаш бўйича қазишма ишлари олиб борилмоқда.

Ҳозирда ишлаб турган қабристонлар.

Сармозор қабристонини. “Сармозор” форсча, бош мазор, бош қабристон иапънони англатади.

Шайхон қабристонини. Шайхлар мазори демакдир. Шайхон нафақат қабристон номи балки топоним ҳамдир. Хосабофи миён маҳалла номи қабристон ҳудуди кенгайиб бориши ҳисобига Шайхон маҳалла деб юритилади.

Катта қабристон. Бу жой шаҳар марказида жойлашганлиги учун, тўрт томон маҳаллалардан майитлар қўйилиб, кенгайиб, “Катта қабристон” номини олган.

Даҳмаи шоҳон. Шоҳлар даҳмаси номи билан машҳур. Бундан ташқари ҳозирги кунда ҳар бир маҳалланинг қабристонлари мавжуд.

Хулоса қилиб айтганда, Қўқон шаҳри тарихий микротопонимияси таркибида бозорлар (савдо масканлари), номлари ва некронимларга алоқадор номлари ҳам алоҳида ўрганиш учун объектсифатида олиш мумкин.

## ХУЛОСА

Мамлакатимиз мустақилликка эришгандан кейин миллий ўзлигимизни англаш, кадриятларимизни ҳаётга қайтариш борасида кўплаб ишлар амалга оширилаётганининг гувоҳи бўлиб турибмиз. Шу билан бирга айрим ҳолларда баъзи жойларда топонимик объектларнинг эски шўро тузумини эслатувчи, халқимиз тарихи ва миллий кадриятларимизга мувофиқ келмайдиган номларнинг сақланиб туриши каби масъулиятсизликлар ҳам учрайди. Бу борадаги мавжуд камчиликларни бартараф этиш “Ўзбекистон Республикасида маъмурий ҳудудий тузилиш, топонимик объектларга ном бериш ва уларнинг номларини ўзгартириш масалаларини ҳал этиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг ижросини таъминлаш, топонимик объектларга ном бериш ишларини тартибга солиш борасидаги Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари катта қадамлардан биридир. Шу аснода ҳозирги кунда Қўқон шаҳри микротопонимикаси тарихини ўрганиш, жойлардаги дастлабки номларни қайта тиклаш ва унинг тарихини ўрганиш борасидаги ишларни кўллаб қувватлаш муҳим вазифалардан саналади. Зеро, ўз тарихимиз, ўзлигимизни тўғри англаш ва келажак авлодга асл ҳолича етказиш шу соҳа мутасаддиларинигина эмас, бутун жамоатчиликнинг асосий вазифаларидандир. Бизнинг ушбу қўлланма ҳам мазкур ишларнинг амалдаги ижроси бўйича кичик бир дастуриламал бўлса, беҳад бахтиёр бўламиз.

## Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Абдуллаев У. Фарғона водийсида этнослараро жараёнлар. - Тошкент: Янги аср авлоди, 2005.
2. Абулғозий Баҳодирхон, Шажарайи турк. - Тошкент: Чўлпон, 1992.
3. Абулғозий Баҳодирхон, Шажарайи тарокима. - Тошкент: Чўлпон, 1995.
4. Ахмедов Б. Ўзбек қавмлари // Сирли олам. - 1992. -9-10 сон.
5. Бегматов Э. Ўзбек тили антропонимикаси. Тошкент, 1965.
6. Бегматов Э. Номлар ва одамлар.- Тошкент: Фан, 1966.
7. Бегматов Э. Жой номлари-маънавият кўзгуси. -Тошкент: «Маънавият» 1998.
8. Бегалиев Н. Самарқанд вилояти гидронимлари. (лисоний таҳлили): филол. Фанлари номзод. ... Дис.- Самарқанд, 1994.
9. Бобобеков Х. Қўқон тарихи. Тошкент, 1996.
10. Валиханов Ч. Собрание сочинение в пяти томах. Алма-Ата, 1985. Т. 3.
11. Губаева С.С. этнический состав населения Ферганы в конце XIX начале XX в. -Ташкент: Фан, 1983.
12. Губаева С. Этнонимы в топонимии Ферганской долины: Дисс. канд. филол. наук.- Ташкент, 1973.
13. Губаева С.С. Этнонимы в топоними Ферганской долины. АКД (АН СССР). М, 1973.
14. Дадабоев Я. Хўқанди латиф маҳалла ва кўчаларининг номланиш тарихи. "Фарғона" нашриёти, 2007.
15. Дониёров Х. Ўзбек халқининг шажара ва шевалари. Тошкент, 1968.
16. Дўсимов З. Жойларнинг қисқача изоҳли луғати.- Тошкент:
17. Жабборов И. Ўзбек халқи этнографияси. Тошкент, 1994.
18. Иброхимов С. Фарғона шеваларининг касб-хунар лексикаси, Тошкент, 1959.

19. Набиев Р.Н. Из истории Какандского ханства. Ташкент, 1973.
20. Миддендорф А.Ф. Очерки Ферганской долины. СПб. 1872.
21. Прибавление IV. А. стр. XVI.
22. Э.Бегматов, Н.Улуқов. Ўзбек ономастикаси терминларининг изоҳли луғати. Наманган.:2006.
23. Латипов Ж. Топонимларининг ясашиши // Ўзбек тили ва адабиёти, - Тошкент: Фан, 1974, 2-сон.
24. Марқаев К. Ўзбек тили этнонимларининг таҳлили (Жанубий ўзбекистон вилоятлари мисолида): Филол. фанлари номзоди дис. Тошкент, 2006.
25. Махмуд Кошғарий «Девони луғотит турк».- Тошкент, 1960. 1961, 1963.
26. Отажонова А. Хоразм этнотопонимлари. - Тошкент: Фан, 1997.
27. Охунов Н. Топонимия Какандской группы районов. АКД (Институт языка и литературы АН УзССР) 1978.
28. Охунов Н. Тил ва жой номлари. - Тошкент: Ўзбекистон, 1988.
29. Охунов Н. Топонимлар ва уларнинг номланиш хусусиятлари. – Тошкент: Фан, 1989.
30. Охунов Н. Жой номлари табири. - Тошкент: Ўзбекистон, 1994.
31. Охунов Н. Этноойконимларнинг ясашиши // тил ва адабиёт таълими. 2000, 4-сон.
32. Охунов Н. Фарғона водийси этноойконимлари // Ўзбек тили ва адабиёти 2003 йил, 1- сон.
33. Охунов Н. Жой номлари таъбири. Тошкент, 1994.
34. Охунов Н. Фарғона водийси антропоойконимлари // Ўзбек тили ва адабиёти, 1997,2-сон.
35. Суперанская А.В. Что такое топонимики ? – М., 1985.
36. Туробов А. Самарқанд вилояти этноним ва этноойконимларининг таҳлили: Филол. фанлари номзоди дис. ... Тошкент, 1999.
37. Шаниязов К.Ш. К этнической истории узбекского народа.

Ташкент, 1974.

38.Хайитметов А. Мерос ва ихлос. Тошкент, 1985.

39.Қораев С. Географик номлар маъносини биласизми? Тошкент, 1970.

40.Иброхимов С. Фарғона шеваларининг касб-ҳунар лексикаси, Тошкент, 1959.

41.Набиев Р.Н. Из истории Какандского ханства. Ташкент, 1973.

42.Миддендорф А.Ф. Очерки Ферганской долины. СПб. 1872.

43.Прибавление IV. А. стр. XVI.14.

44. Қаюмов П. “Хўқанд тарихи ва унинг адабиёти” (материаллар ва хотиралар). Тошкент: “Тамаддун” 2011.24.

45. Қораев С. Географик номлар маъноси. -Тошкент: Ўзбекистон, 1978.

46. Қораев С. Тошкент топонимлари.-Тошкент: Фан, 1991.

47. Ҳасан Ато Абуший. Туркий қавмлар тарихи. Уфа: 1909. Ўзбек тилида Тошкент: Чўлпон, 1992.